Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 91 (20. 358) • 1989 йил 18 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 1 Май Чақириқлари

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Социализмни революцион янгилашнинг ғоявий негизи — марксча-ленинча таълимот яшайверсин ва ривожланаверсин!

4. Яшасин қайта қуришнинг ташаббускори ва кафили бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

5. Коммунистлар! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг новаторлик ғояларини конкрет ишларда амалга оширингиз!

6. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — Советлар!

7. Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнайверсин!

8. СССР халқлари! Социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги анъаналарини авайлаб асрангиз ва ривожлантираверингиз! Миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қатъий зарба бераверингиз!

9. Яшасин жамиятимизнинг етакчи кучи — ишчилар синфи!

10. Қишлоқ меҳнаткашлари! КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларини амалга оширингиз! Социалистик мулкчиликнинг турли шакллари ва хўжалик юритишнинг хилма-хил турлари негизида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилайверингиз!

11. Совет олимлари, маданият ва санъат арбоблари! Қайта қуришнинг интеллектуал имкониятини оширавергингиз! Социализмнинг маънавий қадриятларини асраб, кўпайтираверингиз!

12. Совет хотин-қизлари! Ҳар куни оила фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиб, меҳнат ва жамоат ишларида, тинчлик учун курашда фаол қатнашингиз!

13. Комсомол, йигит ва қизлар! Билимларни, меҳнат ва ижтимоий фаолият кўникмаларини сабот билан эгаллайверингиз! Қайта қуришда фаол қатнашингиз!

14. Совет касаба союзлари! Меҳнатни юксак даражада ташкил этиш учун, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун курашингиз! Социал адолатни қарор топтираверингиз, меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилаверингиз!

15. Партия, уруш ва меҳнат ветеранларига алангали салом!

16. ССР Иттифоқи гражданлари! Халқ манфаатлари ва социализмни янгилаш манфаатлари йўлида қайта қуришда жамоатчилик ташаббуси ва активлигини ривожлантираверингиз!

17. Совет жангчилари! Жанговар уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлангиз! Армия ва флотда қайта қуришнинг фаол иштирокчилари, совет халқи тинч меҳнатининг ишончли ҳимоячилари бўлингиз!

18. Коммунистик ва ишчи партияларига, чет эллардаги барча демократик кучларга Биринчи Май саломи!

19. Социалистик давлатлар халқларининг ҳамдўстлиги мустаҳкамланаверсин!

20. Меҳнат аҳлининг манфаатлари учун, эксплуатацияга, социал ва миллий зулмга қарши мардонавор курашчиларга алангали салом!

21. Европа халқлари! Қитъамизда хавфсизлик ва ҳамкорлик умумий хонадонини барпо этайлик!

22. Ер юзи халқлари! Ядросиз ва зўравонликсиз дунё учун курашингиз! Янгича сиёсий тафаккур негизида жаҳоншумул, умуминсоний муаммоларни ҳал этиш учун куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми белгилаган йўлдан

ИБРАТ КЎРСАТИБ

ҚАРШИ РАЙОНИДАГИ СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ СОВХОЗДА 28 ИЖАРАЧИ ЗВЕНО ИШ ЮРИТМОҚДА

Бу звенода беш киши ишлайди. Улар ихтиёрида 15 гектар пахта майдони бор. Совхоз маъмурияти билан ердан фойдаланиш муддати ҳам келишиб олинган. Пахтакорлар беш йил мобайнида шу майдонда деҳқончилик қилишади. Звенога Асал Тўрақулова етакчи.

— КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимларининг кенгашида ижара пудратига катта аҳамият берилди, — дейди звено бошлиғи А. Тўрақулова. — Бу бежиз эмас, албатта. Пахтакорларимиз партия кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Пахта майдонларида шижоат кўрсатиляпти. Звеномиз аъзолари сўнгги гектарларга барака уруғини қадашмоқда. Биз бу йил «Термиз—14» навини экдик. Мақсадимиз — юқори ҳосил олиш.

Совхозда 28 ижарачи звено бор. Ўтган йили ҳар бир гектар ердан пландаги 22,5 центнер ўрнига 27 центнердан «оқ олтин» олинди. Миришкор пахтакорлар ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида бу марра-дан ўзиб кетиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга сафарбар этмоқдалар.

Суратларда: (юқоридан пастга) — ижарачи А. Тўрақулова; звено ишчилари — Эргаш Қосимов ва Шоҳиста Давронова; механизатор Жаббор Абдураҳмонов; чигит экиш пайти.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

ОРОЛНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ — „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" ОТАЛИҒИДА

Ўрмон ва тўқайлар қани?

Илгарилари жанубий Орол ва Амударёнинг қуйи оқимида қалин ўрмонзорлар кўп эди. Янги ерлар ўзлаштирилиши ҳисобига деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг кескин кўпайиши, сувдан фойдаланишдаги қўпол хатолар оқибатида катта-катта майдонлардаги ўрмонлар билан бирга, қирғовул, қуён каби ҳайвонлар ва қушлар ҳам қирилиб кетди. Қорақалпоғистон АССР ўрмон хўжалиги бошқармасининг бош ўрмончиси Қурбаниёз Палуашов. «Совет Ўзбекистони» мухбири Р. Ешимбетовга автоном республикани кўкаламзорлаштириш, ўрмонларни тиклаш бўйича олиб борилаётган тадбирлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

— Турғунлик йилларида Кегайли, Бекжап ва бошқа каналлар, шунингдек Амударё бўйларидаги кўплаб ўрмонлар йўқ қилинди. Наупир тўқайи 49 минг гектар майдонни эгаллаб ётарди. Унинг 47 минг гектари ўзлаштирилиб совхозларга тақсимланди. Лекин 20 минг гектарга ҳозир экин экилмаяпти. Ленинобод райони территориясидаги Есберган Шиганоқ тўқайининг 2861 гектари «Партия XXII съезди» совхозига берилди. Назархон тўқайи деярли яксон этилди. Шўртанбой тўқайининг асосий қисмида «Нукус», «Победа», «Россия», «ВЛКСМнинг 50 йиллиги» совхозлари деҳқончилик қилишмоқда. Мавжуд тўқайлар эса қаровга муҳтож.

Бадай тўқайида икки марта ёнғин чиқиб, дарахтларнинг 60—70 проценти куйди, 731 гектар майдондаги тўқай йўқ қилинди. Ёнғин ўрни ҳалигача тозаланганй йўқ. Қулатов, Безерген, Матиёз ўрмонлари батамом йўқотилди. Турғундик йилларида тўқайларни сақлаш ва кўпайтириш билан ҳеч ким шуғулланмади. Унинг келажаги билан қизиқишмади.

Ўтган йилнинг апрель ойида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан 80 минг 673 гектар тўқайзорларни ўрмон хўжалиги фондига ўтказиб беришни илтимос қилдик. Бироқ масала ҳал этилмади.

Орол денгизи суви ҳаддан ташқари камайиб кетиши оқибатида автоном республиканинг экологик аҳволи ниҳоятда мураккаблашди. Мувозанатни тиклаш, Оролга озми-кўпми мадад бериш учун ўлкамизни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўрмон хўжалиги ходимлари тупроқни яхшилаш, Оролбўйи зонасида тупроқнинг унумли қатламини вужудга келтириш ҳамда денгизнинг қуриб қолган тубидан туз ва чангтўзон кўчишининг олдини олишлари керак. Яқин беш-олти йил ичида Оролбўйида деярли 2 минг гектар ерда янги тўқайзорлар барпо этиш, 6,3 минг гектар майдонда ўрмонзорларни тиклаш, 87 минг гектарда яшил бутазорлар ёрдамида қум кўчиши олдини олиш мўлжалланмоқда. Бунга Қорақалпоғистонлик ўрмончилар катта ҳисса қўшишлари керак. Орол денгизи ташлаб кетган Ержапотов, Тайлоқтеген, Ўрдабой каби участкалардан минг-минглаб гектар майдонни ажратиб беришни автоном республика Министрлар Советидан сўрадик. Бу ерда қум кўчкиларини тўсиш устида ишлаяпмиз. Бунинг учун тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Кейинчалик йирик тўқайлар, дарахтзорлар бунёд қилинади.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида қумликларда камида 28,2 минг гектар, яйловларда 30 минг гектар саксовул, черкес экилади. 250 гектар майдонда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Кўчат экиш, парвариш қилишда, янги тўқайлар бунёд этишда Тўрткўл, Чимбой, Тахтакўпир, Мўйноқ районлари ўрмон хўжалиги ходимлари, механизатор ва ишчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўрмон хўжалигимизда ҳал этилиши лозим бўлган талай муаммолар бор. Ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотида тез-тез узилиш бўляпти. Ўрмончиларимиз икки, ҳатто уч ойлаб далада — Қизилқумнинг 200—250 километр ичкарисида меҳнат қилишади. Саксовуллар экишади, манзарали дарахт кўчатлари ўтказиб, парвариш қилишади. Бироқ уларнинг ўқдирқ чиқаришлари учун шароит яратилмаган. Ҳатто вагон-уйлар ўрнатиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Хўжалигимизга камида 25—30 та вагон-уйлар берилганида, ишчиларимизнинг меҳнат ва яшаш шароитлари хийла яхшиланган бўларди. 1989—1990 йилларда саксовул, черкес экадиган, манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш билан шуғулланадиган ўрмон-мелиорация станцияси ташкил қилиниши керак. Амалда бу ишга ҳали қўл урилмаган. Орол зонасида атроф-муҳитни муҳофаза этишга муносиб улуш кўшиш лозим бўлган ўрмончиларимиз фаолиятини янада яхшилашда ва муаммоларни ҳал этишда республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасидан амалий ёрдам кутамиз.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНИДА

● Фарғонадаги ипакчилик илмий-тадқиқот бирлашмаси коллективи 22 апрель куни қилинадиган ишлар ҳажмини белгилаб олдилар. Шу куни бош корхоналар — Марғилон шойи комбинати, Фарғона ва Тошкент пилла йигириш фабрикалари, табиий ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш илмий-тадқиқот институтининг 3237 нафар ишчиси машиналар, дастгоҳлар, автоматлар ёнида меҳнат қилади. 300 килограмм ипак ишлаб чиқарилади. 200 килограмм ипак калава, 98 минг метр тайёр шойи газлама, кўпгина бошқа ипак маҳсулотлари тайёрланади.

● Жиззахдаги 4-ўрта мактаб ўқувчилари ва педагоглари коммунистик шанбалик ҳисобига 400 туп дарахт кўчатн ўтказдилар. Меҳнат байрами кунида бу ерда яна 100 туп кўчат ўтказилади. Мактаб ҳовлиси боғга айлантирилади. Бундан ташқари, шанбалик вақтида болалар қўшни турар-жой массивини ҳамда Ульянов номли проспектини ободонлаштиришда меҳнат қиладилар. Темурчилар отряди уруш ва меҳнат ветеранларига ёрдам беради — уларнинг уйлари ва ҳовлиларини йиғиштириш билан шуғулланади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАЖБУРИЯТ

Қарши даштини ўзлаштиришнинг иккинчи навбати бошланган айни кунларда қўриқ совхозларни бунёд этиш билан бир қаторда, илгаридан суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Ульянов, Усмон Юсупов, Нишон, Косон районларидаги ўнлаб хўжаликларда ер текислаш, коллектор ва дренаж тармоқлари, сув йўлларини бетонлаш каби долзарб ишлар қизиб кетди.

«Каршистрой» махсус қурилиш бирлашмасининг 36 мелиорация ремонт-қурилиш бошқармаси бульдозер машинисти украин Пётр Бандура беш йилликнинг дастлабки уч йили якунлари бўйича 725 минг кубометрдан зиёд тупроқ ишларини адо этиб, шахсий беш йиллик планини бажарди. Ҳозирги кунларда 21—24-қўриқ совхозлари ерларини комплекс реконструкция қилишда қатнашмоқда. У ўн иккинчи беш йиллик охиригача яна бир беш йиллик планни бажариш юзасидан янги мажбурият қабул қилди.

Бошқармада Пётр Бандуранинг издошлари кўп. Ўзбек Ниёз Тоштемиров, туркман Тоҳир Тўймуродов, татар Талгат Гараев каби экскаватор машинистлари ҳам мусобақада олдинда бормоқда.

Р. УРОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

● Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз деҳқонлари ўтган йилдан кооператив усулда ишлай бошлашди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил олинди. Абдуҳолиқ Пўлатов, Эргаш Султонов, Пардабой Нишонов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40—42 центнерни ташкил этди. Колхозчиларнинг ўртача даромади ҳам анча юқори бўлди.

Бу йил эса колхоз деҳқонлари юқоридан буйруқ кутиб ўтирмай, экиш агрегатларини барвақт далага олиб чиқдилар. Жорий йилда миришкорлар 840 гектар майдонга чигит экиб, она-Ватанга 2500 тонна «оқ олтин» етказиб бериш ниятида ғайрат билан ишламоқдалар. Уларнинг нияти барча соҳаларда марраларни тўла эгаллаб, кўпроқ даромад олиш.

Ш. ҲАЙДАРОВ.

● ЗАДАРЕ. «Гигант» колхози аъзолари бир неча йилдирки, пиллачилик соҳасида яхши натижаларга эришиб келмоқда. Хўжалик пиллакорлари ўтган йили давлатга 21 тонна ўрнига 26 тонна «кумуш тола» топшириб 190 минг сўм даромад олгандилар. Улар бу йил ҳам 422 қути ипак қурти уруғини парваришлаб, қабул пунктларига 26 тонна «кумуш тола» армуғон этиш ниятидалар. Айни кунда мавсумга ҳозирлик ишлари қизғин. Пилла боқиладиган 300 хонадон керакли жиҳозлар билан таъминланди. Хўжалик правленнеси ва партия ташкилоти пилла озуқа базасини яратиш учун гутзорларни кенгайтиришга алоҳида эътибор беряпти. Шу мақсадда кейинги вақтда ўтказилган 33 минг туп тут кўчати парвариши кучайтирилмоқда.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

ЧЎЛДА ЁШЛАР УЙИ

Турар жойлар қурилишида фаол қатнашиш Оқолтин район комсомол комитети ходимлари учун ёшларнинг Мирзачўлда муқим туриб қолиши муаммосини ҳал этиш усулларидан бирига айланди. Райондаги турли саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ёш ишчи ва мутахассислари бўш вақтларида райком ҳузурида тузилган нхтисослаштирилган кооперативда меҳнат қилишаяпти — улар ёшлар уй-жой комплексини барпо этмоқдалар.

Дастлабки квартираларни ҳақли равишда «Мир» пахта тозалаш заводининг ходимлари — уй-жой комплекси барпо этишнинг ташаббускорлари олишади. Корхонага ёш мутахассисларнинг катта группаси келди ва йиллар давомида квартирага навбат кутиб турмаслик учун «Ташаббускор» қурилиш бригадаси ташкил қилинди.

Район ижроия комитети ёш қурувчиларга қурилиш учун ер участкаси ажратди, банк пул берди, қурувчиларнинг бир неча бригадаси ташкил қилинди. Ёшлар ўз шаҳарчаларини чиройли ва қулай қилиб қуришга қарор беришди, Кварталларда бир хилдаги кўримсиз уйлар бўлмаслиги учун эса, эскича типовой лойиҳалардан воз кечиб, замонавийроқ ва ўзига хос лойиҳаларни танлашди. Бунинг учун деворлар қуришга ишлатиладиган махсус материаллар керак бўлди — уни ёшлар ўз кучлари билан тайёрлайдилар. (ЎзТАГ).

Дунё овози

СССРга бағишланди

«Янги Совет Иттифоқи» — Америкада чиқадиган «Тайм» журналининг яқингинада нашр қилинган ва тўлалигича бизнинг мамлакатимиздаги турмуш тарзини ёритишга бағишланган махсус сони шундай номланди. Баъзан бирор-бир мамлакатда юз бераётган воқеалар шу қадар муҳим бўладики, дейилади журналнинг редакцион мақоласида, бундай ҳолларда «Тайм» ўзининг алоҳида бир сонини шу воқеаларни ёритишга бағишлайди. Ҳафталикда таъкидланишича, СССР да ҳозир айни шундай воқеалар юз бермоқда.

«Тайм»нинг ўн бир нафар репортёри ва беш фотомухбири журналнинг Москвадаги бюроси мудири Жон Коган билан биргаликда 4 ой давомида Совет Иттифоқи бўйлаб сафарда бўлдилар. «Биз қаерга бормайлик, — деб хотирлайди Коган, — ошкоралик ҳамма жойда биз учун эшикларни ланг очиб қўйди. Журналистлар учун бундан бир неча йил аввал орзу ҳам қилиб бўлмайдиган имкониятлар очилди». Махсус сонни тайёрлашда совет журналистлари, ёзувчилари ва олимлари ҳам иштирок этдилар.

Журнал ислоҳот Совет Иттифоқидаги турмушнинг кўпгина соҳаларини — сайлов участкасидан фабрикагача, мактаб синфхонасидан театр саҳнасигача, ғаллазор жойдан шаҳар бозоригача ўзгартириб, янгилаб бораётгани тўғрисидаги 63 саҳифали ҳисобот кўринишидадир», — дейилади «Тайм» журнали шу сонининг муқаддимасида. СССРнинг бугунги куни тўғрисидаги ҳикоянинг 26 март куни бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари сайловидан бошланиши ва унинг «тарихий», деб эътироф этилиши табиийдир.

Америкалик мухбирлар воқеликни бўяб кўрсатишдан йироқдирлар, албатта. Улар мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар ва кенг истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида, айрим республикалардаги миллатчилик чиқишлари ҳамда бошқа муаммолар ҳақида ҳикоя қиладилар. Бироқ, барча аломатларга кўра, улар фақат муаммоларни биринчи планга суришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишмаган, балки СССРдаги турмушни ўзлари қандай тушунсалар, шундай кўрсатиб беришга интилганлар. Совет қўшинларининг Афғонистонда бўлиши оқибатлари ва ўтмиш меросга муносабатнинг ўзгариши, кооперация ҳаракати ва Ғарб билан қўшма корхоналар, жойлардаги қайта қуриш, маданий турмушда юз бераётган воқеалар — буларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина ҳодисалар махсус сон саҳифаларида ўз ифодасини топган.

Муаллифлар СССРнинг ички турмуши тўғрисидагина эмас, унинг ташқи сиёсати ҳақида ҳам ёзганлар. Бунда диққат-эътибор аввало Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини 500,000 кишига қисқартириши режалаштираётганига қаратилмоқда.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ФРАНЦИЯ:

НОЁБ СИСТЕМА

Франциялик инженер Жерар Клоэз ихтиро этган ноёб система стадионларда футбол мухлисларнинг хавфсизлигини юқ даражада оширади деб хабар берди ТФ-1 телекомпанияси. У футболистларни томошабинлардан ажратиб турадиган панжараларни очишнинг телевизион бошқарув системасини ишлаб чиқди. Франциянинг Ним шаҳридаги стадион ҳозирдаёқ мана шундай система билан жиҳозланди. Мутахассисларнинг фикрича, шунинг натижасида бу ерда Шеффилд стадионидаги сингари фожиа ҳеч қачон рўй бермайди.

ИСПАНИЯ:

МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

Испаниянинг Гранада шаҳрида Европа Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар министрларининг учрашуви ўз ишини тамомлади. «Умумий бозор»га аъзо мамлакатлар дипломатия маҳкамаларининг раҳбарлари 1992 йилда ягона бозор ташкил этилиши муносабати билан Европа Иқтисодий ҳамжамияти раҳбар органларининг миллий характерини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар билан боғлиқ масалаларни, Яқин Шарқдаги, Ливандаги аҳволни, Намибия муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш муаммоларини муҳокама қилдилар.

АРГЕНТИНА:

ЭФИРДАГИ ҚАРОҚЧИЛИККА ҚАРШИ

Аргентинанинг турли районларида яширича иш олиб борган 49 та «Қароқчи радиостанция» мамлакат маъмурларининг фармойишига биноан ёпиб қўйилди. Эфирдаги қароқчилар билан уруш эфтидан энди бошланаётган кўринади. Аргентина радиостанция эгалари федерациясининг далолат беришича, маъмурлар эфирда ҳамон жазосиз хўжайинлик қилаётган яширин радиомарказларнинг атиги 5 процентини аниқлаб, ёпишга муваффақ бўлишган.

(ТАСС, 17 апрель).

Олий Совет—сессиялар оралиғида

ОЙДИН ЙЎЛДАН

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОМИССИЯ МАЖЛИСИДАН

... Қрим татар тили билимдонлари алифбе яратишди. Китоб нашр этадиган машиналар ҳаракатга келади ва она тилида ёзилган биринчи алифбе кичкинтойлар қўлига бориб тегади.

Бу миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари билан шуғулланувчи комиссия мажлисига тўпланган халқ депутатлари чин дилдан қувонган хушхабарларнинг бири эди.

«Ўзбекистон аҳолиси» деб аталмиш катта хонадон аъзолари юздан ортиқ тилда гаплашадилар. Бу тилларнинг ҳар бири маданият, тарих инъикоси сифатида, қардош халқ умид-орзулари сифатида, умумий алоқаларимиз, мулоқотларимиз, ҳамжиҳатлигимизнинг ўзига хос ифодаси сифатида биз учун жуда қадрлидир. Мана шунинг учун ҳам болаларимизга она тилини ўргатиш, уларни ягона оила ҳис-туйғуларида тарбиялаш бизнинг бурчимиз. Бу нарсалар Советлар юртининг ҳақиқий ватанпарвари учун жуда қимматлидир. Бу ерда ҳамма нарса муҳим — қайси тилда сўзлашинг ҳам, нима мақсадда гапираётганлигинг ҳам...

Мазкур муаммолар республикалар қонун чиқарувчи олий органининг диққат марказида турибди. Улар синчиклаб ўрганилмоқда, собитқадамлик билан, аниқ мақсадни кўзлаб бартараф этилмоқда. Айни вақтда бу жараёнда депутатлар комиссияси фаолияти муҳим аҳамиятга молик.

Бу комиссия Олий Советда энг ёш комиссиялардан бўлишига қарамай, кенг жамоатчилик эътиборига тушганлиги кишини қувонтиради. Шу сабабли комиссия таҳлиллари, хулосалари, тавсиялари Олий Совет қонунчилик фаолиятида ҳам, фармойиш берувчи идораларнинг муайян ишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу ерга оғзаки ва ёзма равишда саволлар ва амалий таклифлар билан тез-тез мурожаат этилаётганлиги комиссиянинг обрўси тобора ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Турли миллий группалар таклифларини комиссия ҳузурига таклиф этиш қонуний равишда кундалик ишга айланди. Ҳар бир кишини эътибор билан тинглаш ва биргаликда масалаларни ҳал этиш принципи амал қилмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди. Миллий группаларнинг вакиллари халқ депутатлари билан бирга министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг миллатлар маданий сўровларини қондириш юзасидан олиб бораётган ишларини муҳокама қилишди.

Лекин уларнинг ҳамкорлиги одатда навбатдаги мажлисдан анча олдин бошланади. Суҳбатларда ўртага ташланган, хатлардан олинган мулоҳазалар, фикрлар, хоҳишлар мажлис бошланиши олдидан халқ депутатларини йўлга чиқишга ундайди.

Ишларнинг аниқ манзараси шундай пайдо бўлди. Мажлисда эса комиссия раиси — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов фаолиятлари миллий муносабатлар ва интернационал тарбия муаммолари билан қаттиқ боғланган идоралар ва муассасаларнинг раҳбарларига сўз берди.

Бу ерда яшаётган миллатлар ва элатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун Ўзбекистонда кўп иш қилинмоқда. Болаларни ўз она тилида ўқитиш кенг йўлга қўйилмоқда. Миллий маданият марказлари, профессионал ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузурида эса миллий адабиёт секциялари таъсис этилмоқда. Радио ва телевиденияда турли тилларда олиб бориладиган эшитиришлар ҳажми кўпаймоқда, тарих, экономика, экология, маданият соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан «Қардош халқлар иттифоқи» шиори остида ўтказилаётган қўшни республикалар телевизион мулоқотлари жуда оммалашиб кетди.

Мажлисда минбарга чиқиб нутқ сўзлаган киши бироз ушланиб қолишига, саволларга жавоб беришига тўғри келди. Айни вақтда уларга эътиборлар билдирилди, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилди... Кун тартибига қўйилган масалаларда уларни ҳал этиш йўллари ва бу ишда ҳар бир кишининг қатнашишга тайёр эканлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Хайрихоҳлик ва амалий руҳдаги бундай муҳит мажлиснинг боришидан сезилиб турарди. Бир қанча масалаҳатлар, таклифлар айтилди, улар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Учрашув чоғида мураккаб кўринган жуда кўп масалалар кўпинча ниҳоятда осон ҳал этилаётганлиги маълум бўлди. Мана бир мисол: Ўзбекистонда яшовчи туркларнинг вакили бошланғич синфлар учун она тилини ўрганиш дарслигини тайёрлаш қийинлигидан ҳасрат қилди.

— Эҳтимол бизнинг алифбемиз сизнинг биринчи синфда ўқиётган кичкинтойларингизга ҳам яроқли бўлар? — сўради халқ депутати — қрим татарлар вакили. — Чунки тилларимиз бир-бирига жуда яқин, алифбенинг баъзи жойлари озгина қайта қараб чиқилса бўлгани...

Залда ўтирган барча кишилар бу мулоқотдан қандай яйраб кетганликларини, катта муаммоларни ҳал этиш йўлида ташланган шу кичик қадамдан қай даражада хурсанд бўлганликларини кўриш ниҳоятда мароқли бўлди...

Мажлис бораётган пайтдаёқ қардош республикалар билан, баъзи ҳолларда эса хорижий мамлакатлар билан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, дарсликлар чиқариш, ижодий коллективлар айирбошлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида, янги миллий мактаблар ва синфлар очиш, маданият марказлари таъсис этиш, турли тилларда адабиётлар нашр қилиш, меҳнат ва ўқув коллективларида ўзбек, рус ва бошқа тилларга ўқитишни кенгайтириш ва ҳатто қўшни республикалар билан радио ва телевидение эшиттиришларини алмашишда космик йўлдош алоқаларидан фойдаланиш ҳақида мулоҳазалар айтилган эди...

Депутатлар доимий комиссиясининг ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев қатнашди.

Шу мажлисда айтилган ва муҳокама қилинган кўп масалалар якунловчи ҳужжатга кирди. Шу ўринда мазкур учрашувнинг ўзига хос яна бир хусусияти ҳақида айтиб ўтиш лозим. Доимий комиссия практикамизда илк бор ўзи муҳокама қилган масалаларни Олий Совет Президиуми кун тартибига киритишни таклиф этиш билан бирга Президиумга шу масалалар юзасидан ўз қарори лойиҳасини ҳам тайёрлаб берди. Бу ҳужжатда миллий муаммолар билимдонларининг жамоатчилик кенг доираларининг коллектив равишда тўпланган тажрибаси, масалаларга коллектив бўлиб ижодий ёндашиши ўз аксини топган.

КПСС Марказий Комитети Пленуми арафасида қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган тажриба шу йўсинда пишитилмоқда. Биз дўстликнинг ойдин йўлидан биргаликда боришимиз, муаммоларни қадам-бақадам бартараф этишимиз лозим.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

Вазият нормаллашмоқда

ТБИЛИСИ, 16 апрель. (ТАСС мухбири). Грузия пойтахтининг қуёш нур сочиб турган кўчаларида одамлар гавжум. Аммо энди бу бундан ўн кун илгари ва шундан кейинги вақтдаги таҳликали гавжумлик эмас. Якшанба куни ҳамма зарур нарсаларни харид қилиш билан банд. Бозорлар, озиқ-овқат магазинлари, баъзи универмаглар ишлаб турибди. Шаҳарда осойишталик тикланмоқда, фақат унчамунча учраб турадиган соқчилар бўлиб ўтган воқеаларни эслатиб туради. Бироқ аҳоли бу тадбир энди вақтинчалик эканлигига аминдир.

Мана ҳарбий комендантнинг бугун телевидение орқали сўнгги хабари ҳам одатдаги турмуш тарзига қайтилаётганлигига яна бир умид уйғотди. Кейинги кунларда вазият сезиларли даражада нормаллашиб бораётганлигини, шунингдек меҳнаткашларнинг мутлақ кўпчилиги жамоат тартибини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олиш истагида эканлигини назарда тутиб, республика Компартияси Марказий Комитети Бюросининг тавсиясига биноан комендантлик соати муддатини қисқартиришга қарор қилинди. Айни вақтда комендантлик соатини амалга ошириш учун унга жалб этилган куч ва воситалар миқдори ҳам анча қисгартирилмоқда.

16 апрель куни Грузия Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда Тбилисидаги ва умуман республикадаги вазият аста-секин нормаллашаётганлиги айтиб ўтилди. Бунда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Грузия коммунистларига, барча меҳнаткашларига мурожаатномаси, Грузия Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг материаллари, унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. А. Шеварднадзенинг сўзлаган нутқи, шунингдек партия ва совет активлари саноат корхоналарининг меҳнат коллективларида, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртларида ва ёшлар орасида олиб бораётган жиддий ишлар жуда катта роль ўйнади. Тбилисидаги ўнлаб корхоналарнинг меҳнаткашлари халқ хўжалиги планларини рўёбга чиқаришда вужудга келган қолоқликка барҳам бериш учун якшанба куни ишладилар.

Заводлар ва фабрикаларда, ташкилотларда партия йиғилишлари, партия ва совет органларининг раҳбар ходимлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Меҳнаткашлар аҳволни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни маъқулламоқдалар, экстремистлар, ёлғон хабарларни тарқатувчилар ва жамоат тартибини бузувчилар қаттиқ жавобгарликка тортилишини тобора қатъий талаб қилмоқдалар.

Республикада ва унинг пойтахтида зарур тартибни йўлга қўйишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик тобора кенг иштирок этмоқда. Жамоатчилик вакилларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан актив ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли Тбилисида осойишта вазият тикланмоқда. Одамлар кайфиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси меҳнат коллективларида, олий ўқув юртлари ва мактабларда, аҳоли истиқомат жойларида тушунтириш, ташкилотчилик ишларини янада активлаштириш, бу ишга партия, совет, идеология активларини кенг жалб этиш, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Аҳоли орасида ҳали ҳам мавжуд ирғоқарлик миш-мишларига, уйдирмаларга аниқ, ҳаққоний, оператив ахборотни қарама-қарши қўйиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Грузия Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида Э. А. Шеварднадзе ва Г. П. Разумовский иштирок этдилар.

Шу куни Э. А. Шеварднадзе, Г. П. Разумовский ва Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе Тбилиси давлат университетида студент-ёшлар билан учрашдилар. (ТАСС).

Тарих ва маданият ёдгорликларига— умумхалқ ғамхўрлиги

Шу кунларда ЮНЕСКО қарорига биноан бутун дунёда тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш халқаро куни нишонланмоқда.

Тақдир тақозосига кўра биз бошқа қардош халқлар билан биргаликда аждодларимизнинг ўнлаб авлодлари дахолари ва моҳир қўллари билан жаҳон аҳамиятига молик меъморлик ва бадиий маданиятнинг ажойиб шох асарлари — ёдгорликлар яратилган беқиёс нодир ўлкада яшамоқдамиз. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва бир қанча бошқа шаҳарлардаги қадимий миноралар ва деворлардан сиз билан бизга Ўрта Осиё халқларининг минг йиллик тарихи назар ташлаб турибди. Биз ҳам ҳозир Шоҳи-зинда, Регистон, Калон ансамбллари, Бибиҳоним мадрасаси, Гўр-амир, Исмоил Сомоний, Магокий-Атторий, Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари билан, Оқсарой вайроналари, Султон Воизбобо, Мазлумхон Сулув комплекслари ҳамда биз учун қадрли ва азиз бўлган ўтмишнинг ажойиб ёдгорликлари билан фахрланамиз, уларга ҳавас билан тикиламиз.

Республика территориясида минглаб археология ёдгорликлари сақланиб қолган, уларда тарихнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари ниҳондир. Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда халқимизнинг биз ҳақли равишда фахрланадиган революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати ёдгорликлари барпо этилган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқларининг тарихий-маданий меросини сақлаш учун кўп иш қилинди. Шу билан бирга кўпгина ёдгорликлар ва уларнинг атрофидаги муҳофаза зоналарининг қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлиги, айниқса турғунлик йилларида ўтмишдан қолган ёдгорликларни бузиш ва уларга менсимай қараш ҳолларининг кўпайганлиги чуқур ташвиш туғдирмоқда. Чунки бу ёдгорликларни аждодларимиз бизга қолдириб кетганлар ва улар келгуси авлодларга ҳам етиб бориши керак.

Ҳозир ҳам бизни ташвишга солаётган баъзи муаммоларга дуч келиб, юрагимиз ачишмоқда. Ёдгорликларни сақлаш фақат Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги органларининг иши, деб ўйлаш нотўғридир. Бой маданий меросни асраш республикадаги ҳар бир кишининг ишидир.

Маълумки, юртимизда қишлоқ хўжалиги суғориладиган деҳқончилик негизида ривожланган. Асрлар давомида ер ва сувдан фойдаланишда халқ илми вужудга келган, бу илмда меъморлик ва шаҳарсозлик иншоотларини ер ости сувларидан асраш тадбирлари кўзда тутилган. Деҳқонларимиз аждодларимизнинг яхши анъаналарини тиклаб, ўйламай-нетмай суғориш ва гидротехника иншоотлари номукаммаллигининг ҳалокатли таъсири туфайли ёдгорликларнинг вайрон бўлишига бундан буён йўл қўймайдилар, деб умид қиламиз.

Қўпгина қишлоқ районларида арзимаган миқдорда олинадиган ҳосилни деб экин майдонлари кенгайтирилиб, археология ёдгорликлари баъзан йўқ қилиб юборилмоқда, бу билан ўнглаб бўлмайдиган маданий ва ахлоқий зарар етказилмоқда. Биз қишлоқ хўжалиги ходимларини ана шу меросни асрашга чақирамиз.

Республика территориясида ҳали аниқланмаган жуда кўп тарих ва маданият ёдгорликлари бор. Улар ер юзидан ғойиб бўлмай туриб, уларни аниқлаш ва давлат йўли билан ҳисобга олиш керак. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маданият ва халқ таълими ходимлари бу олижаноб ишда ёрдам берадилар, маданий меросимизни ташвиқ қилишда, ёш авлодни жонажон ўлкамизни ўрганишга жалб этишда, ёдгорликларни асрашни чинакам умумхалқ ишига айлантиришда фаол қатнашадилар, деб умид қиламиз.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида Ватанимиз халқлари тарихи ва маданияти тўғрисидаги билимларни ташвиқ этишда, меҳнаткашларни нафосат, ватанпарварлик, интернационал руҳда тарбиялашда жамиятимизнинг ақл-заковати имкониятларини ишга солиш айниқса муҳимдир. Бу ишда тарих ва маданият ёдгорликларидан кенгроқ фойдаланиш. ёшларнинг ўлкашунослик ҳаракатини, студентлар ва мактаб ўқувчиларининг ёдгорликларни асраш ва таъмирлашда, тарихий зоналарни обод қилишда иштирок этишини ривожлантиришга кенг кўламда кўмаклашиш лозим.

Ўтмиш ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш, экология маданиятини ва маънавиятини соғломлаштиришдек олижаноб ишда ёшларнинг қизиқишлари, ташаббуслари, ижодий меҳнатларини қўлланиш учун имкониятлар жуда катта.

Қадимий шаҳарларда таъмирлаш устахоналари ишлаб турибди. бу устахоналар ёшларимиз ва жамоатчиликнинг ёрдамига муҳтож. Студентлар отрядлари сафларини кенгайтириш, ёдгорликларни коллектив бўлиб оталиққа олишни бутун чоралар билан ривожлантириш керак.

Меъморлик ёдгорликларини сақлаб қолишда олижаноб ва нодир касб — таъмирчилар меҳнатининг аҳамияти катта. Уларнинг тинимсиз ижодий меҳнати туфайли ёдгорликларнинг умри боқий бўлмоқда. Ҳозирги вақтда юқори малакали таъмирчи усталар сафларини кенгайтириш ғоят зарур бўлиб қолди. Таъмирчилик ота касби бўлган усталарнинг анъаналарини тиклаб, бу ишга истеъдодли ёшларни жалб этиш, мураббийликни ривожлантириш керак.

Кенг жамоатчилик, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги СССР Қонунини бузувчиларга нисбатан таъсирчан чораларни кўришлари зарур. Бу социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш принципларига мос келур эди.

Ёдгорликларни пухта асраш учун уларни ҳимоя қилишга отланиш кенг ошкораликни, бу ишдаги ютуқларни ҳамда жамиятимиз ижтимоий-маънавий турмушининг ана шу муҳим тармоғидаги камчиликларни жамоатчиликка етказиш учун ва ишни ташвиқ этишда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевиденияниг фаол иштирок этиши талаб қилинади.

Азиз дўстлар! Республикамизнинг тарих ва маданият ёдгорликлари бизнинг ғуруримиз, бойлигимиздир. Бу ёдгорликлар доимий ғамхўрлик ва эътиборни ҳозир ҳар қачонгидан кўпроқ талаб қилмоқда. Бу бебаҳо хазинани сақлаб қолиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир!

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПРЕЗИДИУМИ

Ҳ. Олимжон номли Қарши давлат педагогика институтида халқ таълими ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультети ўтган йили очилган эди. Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг 400 дан зиёд ўрта мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари бу ерда ўқишди. Ўқиш жараёнида тажриба алмашилди, ўқувчиларга билим беришда қўлланиладиган замонавий техник жиҳозлар билан танишилди.

Суратда: машғулот пайти.

Р. НУРИДДИНОВ ва Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ).

Кенг истеъмол моллари—халққа

ҚОҒОЗБОЗЛИК ҒИЛДИРАГИ

ЕКИ АНДИЖОН ОБЛАСТИДА ЮЗАГА КЕЛА БОШЛАГАН ТАШАББУСЛАР ЁЗИШМАЛАР ГИРДОБИДА ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Қоғозбозликка чек қўйиб, амалий ишга киришиш қайта қуришнинг муҳим талаби эканлиги ҳамма жойда тан олинмоқда. Аммо бошқариш органлари, айниқса министрликлар негадир шошилмаяптилар. Ўтган йили май ойида СССР енгил саноат министри ўринбосари И. Г. Гриценко Андижон область партия комитети биринчи секретари М. Орифжонов номига алоқа хати йўллаб, кичик шаҳарларда, аҳоли пунктлари ва посёлкаларда унча катта бўлмаган цехлар, участкалар ташкил этиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини кийим-кечак ишлаб чиқаришга жалб этиш хусусида ёрдам сўраган эди. Бундай цехларни жиҳозлаш ва кадрлар тайёрлашда, хом ашё, материал таъминотини йўлга қўйишда СССР Енгил саноат министрлигининг ёрдам кўрсатиши таъкидланган, мавжуд ишчи кучи, цехлар, участкалар, филиаллар ташкил этиладиган бўш бинолар ҳақида маълумотлар сўралганди.

Таклиф маҳаллий партия ва совет ташкилотлари томонидан қизғин кутиб олинди. Чунки Андижон областида, айниқса қишлоқларда ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли кўп. Область ижроия комитети тузган махсус комиссия қисқа вақтда қишлоқларда бекор ётган омборлар, турли бинолар ва гаражлар борлигини аниқлади. Ўтган йил май ойида министр ўринбосари И. Г. Гриценко номига хат йўлланди. Унда Андижон области аҳоли пунктларида фойдали майдони 13740 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар мавжудлиги уларга 1880 та дастгоҳ ўрнатиш мумкинлиги, шунга етарли ишчи кучи борлиги хабар қилинди. Ишни тезлаштириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатурасини келишиб олиш учун мутахассислар жўнатилиши сўралди.

Министрлик эса бу хатни ўз навбатида «Союзшвейпром» бошқармасига ўтказди. Бошқарма бошлиги В. И. Гук имзоси билан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри ўринбосари А. А. Тошпўлатов номига алоқа хати йўллаб, кичик шаҳарларда, аҳоли пунктлари ва посёлкаларда унча катта бўлмаган цехлар, участкалар ташкил этиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини кийим-кечак ишлаб чиқаришга жалб этиш хусусида ёрдам сўраган эди. Бундай цехларни жиҳозлаш ва кадрлар тайёрлашда, хом ашё, материал таъминотини йўлга қўйишда СССР Енгил саноат министрлигининг ёрдам кўрсатиши таъкидланган, мавжуд ишчи кучи, цехлар, участкалар, филиаллар ташкил этиладиган бўш бинолар ҳақида маълумотлар сўралганди.

Таклиф маҳаллий партия ва совет ташкилотлари томонидан қизғин кутиб олинди. Чунки Андижон областида, айниқса қишлоқларда ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли кўп. Область ижроия комитети тузган махсус комиссия қисқа вақтда қишлоқларда бекор ётган омборлар, турли бинолар ва гаражлар борлигини аниқлади. Ўтган йил май ойида министр ўринбосари И. Г. Гриценко номига хат йўлланди. Унда Андижон области аҳоли пунктларида фойдали майдони 13740 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар мавжудлиги уларга 1880 та дастгоҳ ўрнатиш мумкинлиги, шунга етарли ишчи кучи борлиги хабар қилинди. Ишни тезлаштириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатурасини келишиб олиш учун мутахассислар жўнатилиши сўралди.

Бироқ республика Енгил саноат министрлигида бу мурожаатга эътиборсизлик билан қаралди. Андижон область ижроия комитети шу масалада Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига мурожаат қилди. Лекин улар эътибор беришмади. Ваҳолонки, Андижон областида тикувчилик цех ва участкаларини очиш орқали деярли 4 минг нафар кишини фойдали меҳнатга жалб этиш мумкин бўлур эди. Бугунги кунда областда ишга яроқли 40 минг нафардан зиёд киши ижтимоий меҳнат билан шуғулланмаяпти. Қолаверса, шу ерда ишлаб чиқариладиган кенг истеъмол товарлари билан аҳолини таъминлаш мумкин бўларди. Область савдо бошқармасининг маълумотига кўра, ҳар йили аҳолининг 30,5 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмларига бўлган талаби қондирилмаяпти. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги СССР Министрлар Совети томонидан берилажак имтиёзлардан фойдаланишда ташаббус кўрсатмади. Ташкил этиладиган цехлар, участкалар ва филиалларни керакли жиҳозлар, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш бўйича имкониятдан фойдалана билмади.

Андижон область ижроия комитети областда Татаристон АССРдаги корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. 1987 йилда Татаристон АССР Министрлар Совети ва КПСС область комитети билан Андижон областида Қозон шаҳридаги устки трикотаж, енгил ва ички кийимлар тикиш фабрикалари, «Аромат» атир-упа фабрикаси филиалларини ташкил этиш хусусида аҳдномага эришилди. Ўша йилиёқ Қозон шаҳридаги корхоналарга ишлаб чиқариш практикасини ўташ учун андижонликлардан 40 киши жўнатилди. Қозон шаҳри корхоналарининг мутахассислари Андижонга келишиб, филиаллар ташкил этишга мўлжалланган биноларни кўриб кетишди. Бироқ бошланган хайрли иш тўхтаб қолди.

Яна ёзишма бошланди. Андижон область ижроия комитети ишни юриштириб юбориш учун СССР енгил саноат министри ва Татаристон АССР Министрлар Совети раиси М. Ш. Шаймиева ёзма равишда мурожаат қилди ва орадан икки ой ўтгач, Татаристон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. Н. Захаров имзоси билан Андижонга Қозон шаҳридаги «Аромат» фабрикасининг филиали очилажаги хабар қилинди. Аммо филиал жойлашадиган бинони ремонт қилиб, ишлаб чиқаришга мослаштириш масаласини ҳал этишда яна сансалорлик бошланди. Андижон область ижроия комитети бу ишни тезлаштириш мақсадида яна СССР Енгил саноат министрлигига такроран мурожаат этиб, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан бино ва иншоотларни ремонтлаш ва жиҳозларни ўрнатиш учун Андижонда қурилаётган тўқимачилик корхоналари дирекциясини буюртмачи ташкилот қилиб белгилаш тўғрисида кўрсатма бериши сўралди.

Шунча ёзишмалардан кейин иш ўрнидан жилган бўлиши керак, дёрсиз. Афсус, ҳали ҳам бу масалада қоғозбозликдан нарига ўтилгани йўқ. Натижада Қозон шаҳридаги фабрикаларда практика ўтаб Андижонга қайтган ёшлар бекор юришибди.

Кошкийди, қоғозбозлик шунгачагина иборат бўлса, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1986 йилдаги қарорига мувофиқ, 1986 — 1990 йилларда Андижон областининг Булоқбоши посёлкасида трикотаж газламалари фабрикаси ташкил этиш белгиланди. Корхонада қурилиш 1988 йилда бошланиб, у 1990 йилда ишга туширилиши керак эди. Бироқ ўтган йилда қурилиш планга киритилмай қолди. Область ижроия комитети бу ҳақда ёрдам сўраб яна Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига мурожаат қилди. Хуллас, қоғозбозлик гилдираги тўхтовсиз айланмоқда. Аммо бошланган иш ўрнидан жилгани йўқ.

Қишлоқларда саноат корхоналарининг филиалларини ташкил этиш иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, социал-сиёсий вазифа ҳамдир. Чунки аҳолининг деярли 80 процентга яқини қишлоқларда яшайди. Аммо уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун ишчи ўринлари етишмайди. Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, Андижон областида турли манбалардан олинган даромад оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ойига ўртача 41 сўмни ташкил қилмоқда.

Моддий етишмовчилик эса кўпгина оилаларнинг бузилишига, турли кўнгилсиз воқеалар рўй беришига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, министрликлар, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш корхоналари филиаллари, цехлари ташкил этиш билан жиддий шуғулланишлари талаб қилинмоқда. Бу соҳадаги сансалорлик, қоғозбозликка чек қўйиш керак.

К. НИШОНОВ,
Андижон область «Коммунист» газетаси бўлим мудири.

ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

ШИНЕЛЬ... ОЁҚ ОСТИ БЎЛМАСИН

Шу йил февраль ойида Тошкент Жанубий вокзалидан жўнаб кетиш чоғида мени ҳам ачинтирган, ҳам ранжитган нохуш бир ҳолга дуч келдим. Вокзалда омонат буюмлар сақланадиган камера ертўласи эшигининг ташқари ва ички томонида оёқ артиш учун ташлаб қўйилган шинеллар — туппа-тузук янгигина солдат шинеллари лойга булғаниб ётарди. Бир вақтлар қаҳратон совуқда — аёз ва изғиринда худди шундай шинеллар биз жангчилар учуй иссиқ паноҳ бўлган эди.

Бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг февраль-март ойлари. Ғарбий фронт. Ржев шаҳри яқинидаги қишлоқларни куйдириб, ёндириб, кулини кўкка совурган ёвуз фашистлар ғарбга — ўз уяси томон қочарди. Биз эса уларни изма-из таъқиб этиб борардик. Ҳаво совуқ. Шоир Ғафур ака айтганларидек, ёвларга қопқон, бизларга эса қалқон бўлган Россия қиши. Шундай қаттиқ совуқда жангчи учун энг қадрли, энг қимматли, энг азиз нарса — ана шу солдат шинели бўлган эди. Энди-чи, шинелларнинг пойабзал артиш учун остонага ташлаб қўйилиши... Оёқ ости қилинган шу шинеллар, ким билади дейсиз, балки, Афғонистондаги Саланг довонида интернационал жангчи танига ҳам ҳароратли илиқлик бахш этгандир?

Солдат шинелининг қадр-қиммати ҳақида сўз кетар экан, яна бир қишни эслагим келади. Буниси — бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилдаги Тошкент қиши. Фронтда орттирилган мажруҳлик туфайли жанговар сафга нолойиқ деб топишгач, жонажон юртга қайтгандим. Ўша кезларда муаззам Тошкентимизнинг Карл Маркс кўчасида, қорин қурмагур ярим оч бўлса-да, гердайиб юрардик. Негаки, ўлкамизнинг энг улкан олий ўқув юрти — дорилфунун талабаси эдик-да... Устимда эса, ҳамон госпиталдан кийиб чиққаним ўша нимдош шинель. Пальто деб аталмиш матоҳ биз фақир талабалардан кўз илғамас олисларда бўларди у вақтларда. Айтгандай, куни-кеча Жанубий вокзалда остонага ташланган шинеллар 44-йилги мен кийган шинелдан янгироқ, оҳорлироқ эди...

Эҳтимол, мен ошириб юборяётгандирман. Аммо юлдуз тугмали шинелни оёқ остига ташлашни мен барибир собиқ жангчиларга ҳурматсизлик деб тушундим...

И. БОБОХЎЖАЕВ,
Термиз районидаги Карл Маркс номли 7-мактаб.

«ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР» РУБРИКАСИ ОСТИДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

ТАДБИРЛАР КЎРИЛДИ

Газетанинг шу йил 28 февраль сонида босилган «СУРИШТИРИБ ЧАРЧАДИМ» сарлавҳали мақолада (автори — Иштихон районидаги «Мингчинор» совхозида яшовчи Ё. Мирзанов) катта размердаги эркаклар плашлари камёблиги муаммоси хусусида ёзилган эди.

Ушбу мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН САВДО МИНИСТРЛИГИдан олинган расмий жавобда таъкидланишича, эркаклар плашлари фақат Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасидагина тайёрланади.

Республика савдо министрлиги Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги билан ҳамкорликда эркаклар плашларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг савдодаги доимий таъминотини яхшилаш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгилади. Айниқса, катта размердаги плашларни Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг фирма магазини, шунингдек, бошқа савдо ташкилотлари орқали сотиш ишлари йўлга қўйилади.

• СССР–умумий хонадонимиз •

„ЯНА КЎРИШГУНЧА...“

Ўзбекистонда Иркутск области маданияти кунлари якунланди

Учрашув онлари қанчалик тотли ва мароқли бўлмасин, барибир хайрлашадиган вақт келади. Республикамизда ўтказилган Иркутск области маданияти кунлари қатнашчиларини яқиндагина Тошкент аэропортида самимий табриклаб, «Хуш келибсиз», дея кутиб олган эдик. Мана энди маюс оҳангда «Яна учрашгунча хайр» дейишга тўғри келди. Иркутсклик шоир Марк Сергеев Тошкент диёрида ёзган шеърида худди ана шу кайфиятни ифодалаган. Унда шундай сатрлар бор: «Қадрдон ерларга қилинган сафар ниҳоясига етди, қўшиқлар айтилди, нутқлар сўзланди. Биз: «Хайр Ўзбекистон» деймизу қалбимиз эса тўлқинланиб: йўқ, ундай эмас, «яна учрашгунча, дўстлар» деяётгандек. Ўзбек диёрининг бағри кенг, саҳий. Самимий сўзларингиз, ишларингиз учун раҳмат. Бир ҳафта ўтиб кетганига қарамай, куни-кеча келгандек ҳис қиляпмиз ўзимизни...»

Тошкентдагина эмас, республикамизнинг кўпгина гўшаларида дўстлик байрамининг оҳанглари ҳаволанди. Бу дўстлик байрами Ангара дарёси соҳиллари билан Ўзбекистон ўртасидаги масофани қисқартиргандек бўлди.

15 апрель куни Тошкент аэропортида меҳмонларни кузатиш маросими бўлди.

Бир кун олдин эса Навоий номли Ўзбекистон ССР катта театрида Ўзбекистонда Иркутск области маданияти кунларининг тантанали ёпилиши бўлиб ўтган эди. Бу ерга республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари уларга қувонч бағишлаганлари учун Шарқий Сибирь вакилларига миннатдорчилик билдириш, дўстлик байрамига якун ясаш мақсадида келган эдилар.

Сават-сават анвойи гуллар билан безатилган саҳнага Иркутск область ва Ўзбекистон ижодий союзларининг намояндалари кўтарилдилар.

Тантанали кечада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. Умарбеков ўз нутқини бир ҳикоятдан бошлади: донишманддан сўрашибди: Ким сизга яқин — оғангизми ёки дўстингиз? Донишманд эса, ўртоқлик руҳи қай даражада муҳимлигини таъкидлаб шундай деган экан: агар дўст бўлса, биродар яқин. Шундай қилиб, ўтган кунлар ҳам деб таъкидлади министр, халқ яратган мазкур доно ҳикоятнинг ишончли тасдиғи бўлди, халқлар қардошлигининг ҳақиқий мадҳи бўлиб янгради. Бу кунларда Жиззах чўллари кенгликларида ва кўҳна Самарқандда, Бухоро областининг Ғиждувон ва Ромитан районларидаги боғларда, баҳор либосига бурканган Қорақалпоғистонда дўстлик қўшиқлари баралла янгради.

Ўзбек диёрида ўтказилган маданият кунларида фаол қатнашганликлари ҳамда бу кунларнинг мазмундор бўлишига кўмаклашганликлари учун Шарқий Сибирдан келган барча биродарларимиз Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар.

Меҳмонларга чуқур ҳурмат белгиси сифатида буюк ўзбек олими ва мутаффакири Ал Хоразмийнинг тошкентлик рассом Қ. Башаров чизган портрети ҳамда бу йил 100 йиллиги кенг нишонланадиган ўзбек совет адабиёти классиги Ҳамза портрети туширилган лаган меҳмонларга топширилди.

Иркутск область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Китаев жавоб нутқи сўзлади. Ўзбекистоннинг меҳмондўст, серқуёш заминида қарийб бир ҳафта давомида бўлган дўстлик кунлари иркутскликлар учун бир лаҳзадек ўтиб кетди. Бу кунлар турли-туман программалар билангина эмас, энг аввало дўстона табассумларга, самимийликка, қувончга тўла бўлди. Бизни ҳамма ерда меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Ўзбек халқи ўз меҳмондўстлиги билан катта шуҳрат қозонган. Дўстлик муҳити, самимий ҳурмат туйғуларини ҳар қадамда ҳис этдик. Республикангизда кўрган-кечирганларимиздан орттирган таассуротларимиз жойига тушиши учун кўп вақт талаб қилинади. Бу таассуротларни узоқ вақтгача эслаб юрамиз. Бинобарин, энг муҳим нарса. асосий ҳис-туйғу — Советлар мамлакати ягона оиласидаги халқлар дўстлиги ва қардошлиги байрами ўзаро бойишимизга кўмаклашди, ҳамкорлигимизни ривожлантиришнинг катта йўлини белгилаб олишга ёрдам берди, биз бир-биримизни янада яхшироқ билиб олдик, бир-биримизга қалбларимизни очдик.

Иркутскликлар ўзбекистонликларга ўз совғалари — рус анъанавий услубида яратилган иккита сопол кўзани тақдим этдилар.

Якунловчи дўстлик концерти Сибирь ва Ўзбекистон санъати боғидан терилган ажойиб гулдаста бўлди. Унда минглаб километр узоқликда жойлашган шаҳарлар ва қишлоқлар — Иркутск ва Ангарск, Усть-уда ва Братск, Тошкент ва самарқандликларнинг қўшиқ ва рақслари сеҳрли қўллар яратган кашта жилоларидек уйғунлашиб кетди. Программани артист Ёқуб Аҳмедов ва унинг иркутсклик ҳамкасби Татьяна Бачина олиб бордилар.

Иркутск симфоник оркестри ижросидаги байрам увертюраси оқшомнинг муқаддимаси бўлди. Е. Цирлин бошчилигидаги бу коллектив Ўзбекистонга иккинчи марта келди. Ўтган галги сафарида у ўз репертуарини Ўзбекистон композиторлари, жумладан Мирсодиқ Тожиевнинг асарлари билан бойитган эди. Асосан рус ва чет эл классиклари асарларидан тузилган янги программа томошабинлар орасида катта муваффақият қозонди.

Ундан кейин саҳнага Сибирь ва Ўзбекистоннинг бадиий ҳаваскорлик коллективлари чиқишади: «Масленица ва наврўзни кутиб олиш» деб аталган театрлаштирилган тамоша шу ерда, Тошкент диёрида пайдо бўлди ва у унутилмас таассурот қолдирди. Бу тамоша эндиликда қайта тикланган халқ сайлларини ўзида жо қилди: саҳнада шитоб билан гиргир айланиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган қувноқ хороводлар ўрнини сокин рақслар, ундан сўнг шўхчан «Бариня» рақси эгаллайди, сўнг ҳайратда қолдирадиган цирк номерлари бошланади. Шундан кейин рус халқ либосларидаги қизлар ўз дўстларини думалоқ булка нон билан меҳмон қилдилар. Уларнинг ўзбек дугоналари эса тандирда ёпилган патнис тўла нонларни тақдим этдилар.

Зални сеҳрлаб қўйган ана шу томошадан кейин Ангарск шаҳридан келган врач Валентин Левченкога саҳнага чиқиш осон бўлмади: аммо нефть кимёгарлари маданият саройи вокаль студиясининг солисти С. Раҳманинов-операсидаги Алеко Каватинасини ижро эта бошлаганидан кейин томошабинлар яна завқ-шавқ оламига кирдилар. Қўшиқнинг сўнгги банди тугаганда қарсаклар янграб кетди. Зал аҳли Иркутск музикали театрининг балет солистларини ҳам мамнуният билан кутиб олди, улар В. Киктанинг «Нуридийдам мария» балетидан бир саҳна кўрсатдилар.

Рус халқ чолғу асбоблари оркестри Сибирь диёри бўйлаб музикали саёҳатга таклиф этди, созандалар «ойдин кеча» мавзуида композиция ижро этдилар. Дўмбира, баянлар ўрнини дутор, рубоб ва доира эгаллади — Ўзбекистон филармониясининг солистлари М. Левиев асари асосида «Ўзбекистон гўзаллари» музикали композициясини кўрсатдилар.

Сибирь ва Ўзбекистон санъаткорларининг концерт программасидаги ижодий мушояраси давом этаверди. «Шарқ юлдузи» деб аталган эстрада қисмида тошкентлик ёш хонанда Юлдуз Усмонова, «Садо» ансамбли солистлари ҳамда Ангарск шаҳридан келган «Россияне» вокал-чолғу ансамбли ижрочиларининг қўшиқлари янгради. Иркутск шаҳридаги «Лотос» базм рақси ансамбли ва Тошкентдаги авиасозлар маданият саройининг коллективи биргаликда томошабинларга рақс гулдастасини тақдим этдилар. Л. Голованова ва В. Желинский билан уларнинг тошкентлик ҳамкасблари З. Давлетмуратова ва В. Клочконинг балет рақслари бир-бирига монанд бўлиб кетди.

«Родники Сибири» ашула ва рақс ансамбли ва «Багульник» Сибирь рақс ансамбли ўз санъатлари билан бамисоли дўстлик гулдастасини туҳфа этдилар.

Саҳна ортидаги учрашувлар ҳам қизиқарли бўлди. Меҳмонлар ҳали ўзларига нотаниш бўлган қўшиқ сўзларини завқ билан айтишар ва миллий рақсларнинг ҳаракатларини такрорлашга уринишар эди.

— Бизнинг коллективимиз биринчи бор областдан ташқарига сафар қилди, — дейди «Лотос» базм рақси ансамблининг бадиий раҳбари Наталья Инкежекова. — Шарқ меҳмондўстлиги ҳақида кўп эшитган эдик. Лекин тошкентдаги меҳмоннавозлик кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Қорақалпоғистонда бизни иззат-икром билан кутиб олишгани ёдимдан чиқмайди. Кўп одамлар, ҳатто кўчада учратган кишилар ҳам бизни меҳмонга таклиф қилишар эди. 86 яшар оқсоқол, қизларингиз рақсини кўрганимдан кейин 20 ёш яшариб кетдим, деди. Тўрт кўл ва Хўжайлига сафар қилганимизда йўл устидаги қишлоқлар аҳолиси бизни хушнудлик билан кутиб олди. Йўл устида ҳам концертлар бўлди. Иркутск шаҳридан келганимизни эшитишганидан кейин дарҳол Байкал ҳақида, ана шу ноёб кўлни асраш ҳақида нималар қили. наётганини сўраб-суриштиришар эди. Ҳақиқатан ҳам, Орол ва Байкал барчамизнинг бошимизга тушган кулфатдир.

Тошкентда «Лотос» аъзолари темирйўлчилар ва авиасозлар маданият саройлари базм рақслари коллективлари билан дўстлашдилар, тошкентликлар май ойида бўладиган «Мовий Байкал» анъанавий конкурсига таклиф этилди.

— Гарчи биз, 10 йил мобайнида мамлакатдаги турли шаҳарларга ижодий сафар қилган бўлсак ҳам, СССР Халқлари дўстлиги саройи ва Ўзбекистон ССР катта театри сингари ажойиб саҳналарда чиқмаган эдик, — дейди Ангарск шаҳридаги халқ цирк коллективининг аъзоси Фёдор Дудняк. Маданият кунлари иш тартиби шу қадар тиғиз эдики, Тошкентни сайр қилиш учун вақт қолмади, ҳисоб...

Шу кунлари Тошкент, Жиззах ва Самарқанд саҳналарида Бурятия автоном округи Усть-ўрда районининг «Степние простори» ансамблининг рақслари ва қўшиқларида Бурятиянинг бағри кенг даштлари — унинг мовий кўллари ва ўрмонлари, афсоналари ва расм-русумлари жилва қилгандай бўлди. Бу ансамбль репертуари миллий бурят анъаналарига асосланган биринчи коллективдир. Санъаткорлар олислардаги қишлоқларни кезиб чиқиб, қадимий рақсларни ўргандилар ва уларни саҳнага олиб чиқдилар. Эндиликда «степние простори» ансамбли яккаю ягона эмас, округнинг кўпгина районлардаги маданият уйларида ўз ансамбллари тузилди, улар халқ ижодига меҳр қўйиб ишламоқдалар. Эвенкилар, тафалар ансамбллари ҳам ўз анъаналарини эҳтиёткорлик билан асраб-авайламоқдалар, бу ўринда биз тафалар бор-йўғи 60 киши эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. Маданият кунларида ўзбек томошабинлари сибирдаги ана шу халқлар маданияти ноёб хазинасидан баҳраманд бўлдилар.

Программа пировардида икки премьера ижро этилди, булар композитор Э. Солиҳовнинг «Иркутск ҳақида қўшиқ» асари ва тошкентлик композитор Г. Пушеннинг «Мен орзу қилган шаҳар» асаридир. Шундай қилиб, қарийб 2 соат давом этган концерт якунланди. Залда хор жўрлигида қўшиқ янграб турди. Саҳнада эса сибирлик меҳмонларнинг ўзбеклар диёрида бўлишига оид лавҳалар — кинокадрлар намойиш этилди. Бу байрам халқлар дўстлигига қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Бу дўстлик аҳолаги яна давом этаверади. Иркутск шаҳридаги ва Ўзбекистондаги маданият кунлари бу учрашувларнинг дебочаси бўлди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Кичкинтойлар меҳрини қозониб

Задарё районидаги 86-автокорхона ишчи-хизматчиларининг вакиллари «Сказка» болалар боғчаси тарбияланувчилари орасида тез-тез бўлиб туришади. Улар бу ерга турли совға-саломлар олиб келишади. Кичкинтойлар масканида 150 дан зиёд болалар тарбияланади.

— Ишчи-хизматчиларимиз кичкинтойлар меҳрини қозонишяпти, — дейди корхона бош инженери В. Раҳимов. — Боғча маъмуриятига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Яқинда минг сўмлик болалар ўйинчоқларини сотиб олиб, эркатойларга туҳфа қилдик.

Суратда: бош инженер В. Раҳимов ва слесарь И. Маҳмудов боғча тарбияланувчилари орасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси.

«ДАВЛАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ВА СССРНИНГ БАЪЗИ БОШҚА АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАРИ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ УҚИБ

Манфаатдормиз

Жамиятни ҳар томонлама кенг демократиялаш ва ошкораликни тобора қарор топтириш янгича турмуш тарзи ва янгича фикрлашни тақозо этмоқда. Кишиларнинг эркин фикрлаши, тўпланиб қолган масалалар ва турмуш тарзимиздаги камчиликлар ҳусусида бемалол мулоҳаза юритиш имконини берадиган ана шундай вазият айрим бадбин кишиларга ҳам кенгроқ имконият очиб бермоқда. Улар ана шу ошкоралик ва демократиядан фойдаланиб, ўзларининг ёмон ниятларини амалга оширишга, қудратли мамлакатимизнинг тарихий ғалабаларини сохталаштиришга, давлатимиз ва партиямиз халқаро обрў-эътиборига соя ташлашга уринмоқдалар. Халқлар ўртасида низо чиқариш, миллий адоватни авж олдириш учун интилмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб СССР Олий Совети Президиуми аввалги қабул қилинган актларга қўшимчалар киритди. Мен жамият шунос олим сифатида ушбу фармонни тўла-тўкис маъқуллайман.

Давлат қачонки ўз душманларидан ўзини муҳофаза этар экан, демак у ўз халқини ҳам ҳимоя қилиш қудратига эга бўлади. Қонун билан ҳимояланган давлат қонун билан ҳимоя қилинган халқигагина хизмат қилади. Бизнинг жамиятимиз халқ учун, халқнинг бахт-саодати ва порлоқ истиқболи учун яшар экан, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш керак ва айниқса қонун билан ҳимоя этиш зарур бўлиб қолди. Чунки, кейинги пайтларда турли республикаларда ножўя ҳаракатлар авж олиб кетди. Давлатга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари вужудга келди. Буларнинг ҳаммаси умумдавлат ва умумхалқ манфаатига зид бўлиб, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва социал тараққиётига тўғоноқ бўлмоқда. Ана энди бундай ҳаракатларга чек қўйиш қонун билан мустаҳкамланади. Бу қонун барча софдил халқларимиз манфаатини ўзида мужассам этади. Бунга ишончим комил.

Э. МУМИНОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

Республика Олий судининг пленуми

13—14 апрель кунлари Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлди.

СССР Олий судининг «Давлат ва жамоат мулки талон-тарож қилганлик тўғрисидаги ишлар ҳусусидан суд практикаси ҳақида»ги қарори ва мазкур масала хусусида Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Экономикани қайта қуриш даврида халқ мулкининг самарали ҳўқуқий сақланишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди. Сўнгги вақтда республика судлари давлат ва жамоат мулки талон-тарож қилинганлиги тўғрисидаги анчагина ишларни, жумладан, давлатга катта зиён етказган «пахта» ишларини кўриб чиқдилар. Бу ишларни кўриб чиқишда асосан моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя этилди. Жиноятни белгилаш чоралари практикаси тобора табақалаштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда судлар ҳали қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажарилишини таъминламаганлар. Чала-ярим ва бир ёқлама тергов олиб борилган ишлар юзасидан ҳукм чиқаришга оид кўпдан-кўп фактлар ҳамон бор. Талон-тарож қилиш сабаблари, унинг содир қилинишига ёрдамлашган ҳолатлар ; бекаму кўст белгиланаётгани йўқ, бундай талон-тарож оқибатида етказилган моддий зиённинг ўрнини қоплаш юзасидан бажариладиган иш сусайтириб юборилган. Ана шу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда ҳамма судларда ҳам зарур ошкоралик таъминланмаган.

Пленум судлар зиммасига талон-тарож қилинганлик тўғрисидаги ишларнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик бўлган барча ҳолатларни тўла ва ҳар томонлама аниқлаб чиқишни таъминлашни. камомадларнинг сабаблари ва улар пайдо бўлиш механизмини, талон-тарож қилиш ҳоллари содир этилишида айбдор бўлган кишилар — бевосита қатнашчиларни ва уларнинг шерикларини, шунингдек йўл қўйиб бериши туфайли уларнинг содир этилиши ёки содир этилган талон-тарож қилиш ҳолларини ёпиб кетилиши учун қулай шароитлар яратган мансабдор шахсларни аниқлаш, вазифасини юклади. Жиноятчи тўдалар раҳбарлари ва ташкилотчиларини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Давлат ва жамоат мулкининг талон-тарож қилинишига қарши самарали курош олиб бориш учун судларга қонуний ва асосланган ҳукмлар чиқариш билан бир қаторда конкрет жиноятларнинг олдини олиш масалаларига биринчи даражали аҳамият бериш, ҳар бир иш юзасидан талон-тарож ҳоллари содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шароитларни аниқлаш ва белгилаш ҳамда уларнинг олдини олиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш тавсия этилди. Хўжасизлик талон-тарож қилиш ҳолларига ёрдам берадиган асосий шарт-шароитлардан бири эканлиги ҳисобга олиниб, судлар, хусусий ажрим чиқариш йўли билан бунда айбдор бўлган корхона муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини аниқлаши, зарур бўлиб қолган ҳолларда эса уларни ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани, бепарволиги ёки хўжасизлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишлари керак.

Кооперативларга қарашли мулкни ўғирлаш социалистик мулкни талон-тарож қилиш деб тарифланиши керак, деб изоҳ берилди. Давлат ва жамоат ташкилотларидан ижарага олинган мулкни талон-тарож қилишни ҳам, совет ва чет эл ташкилотларига қарашли қўшимча корхоналар мулкини талон-тарож қилишни ҳам ана шундай таърифлаш лозим бўлади.

Пленум СССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий суди пленумларининг «Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганида судларнинг қонунларни қўлланиш практикаси тўғрисида»ги қарорларини судлар қандай ижро этаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

Судлар никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётганида никоҳ-оила тўғрисидаги қонунлар ва граждан процессуал ҳўқуқи нормаларини қўлланишда жиддий камчиликлар ва хатоларга йўл қўйишаётгани таъкидланди.

Кўп ҳолларда даъво аризаларини қабул қилиш, ишларни судда кўриб чиқишга тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қонун талаблари бажарилмаяпти.

Пленум судлар никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволарни қондириш пайтида ажралишдан кейин балоғатга етмаган болалар отаси ёки онаси билан яшайдими, деган масалани ҳамиша ҳам аниқлаб беришмаётганини таъкидлади. Даъво тақдим этиладими ёки йўқми, бундан қатъи назар алимент ундириб беришга суднинг ҳўқуқи борлиги тўғрисидаги изоҳ эътибордан четда қолмоқда. Мулкни тақсимлаш, унинг қийматини аниқлаш тўғрисидаги баҳсларни ҳал этишда ҳам хатоларга йўл қўйилмоқда.

Пленум судлар зиммасига никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юзаки ва шошма-шошарлик билан кўриб чиқиш ҳолларига барҳам бериш вазифасини юклади. Шу масала хусусида қарор қабул қилиниб, унда никоҳ-оила ва процессуал қонунларини тадбиқ этишга оид баҳсли масалалар тушунтириб берилди.

Конкрет суд ишлари юзасидан протестлар ҳам кўриб чиқилди.

ДЎСТЛИККА САДОҚАТ

Фарғона область Киров райони меҳнаткашлари қўшнилари — Тожикистон ССРнинг Ленинобод области Конибодом райони меҳнатчилари билан дўстлик алоқаларини ўрнатишган. Икки район ўртасидаги мусобақа яхши самара бераётир. Биргаликда ҳашар ўтказилади, навбатдаги ишлар маслаҳатлашиб олинади. Пахтакорлар эса тажриба алмашиб туришади.

Бу суратда икки район вакилининг учрашуви тасвирланган: Сами Эргашев (чапда) Патар (Тожикистон) халқ депутатлари қишлоқ Советининг раиси, Очилбой Исмонлов Андархон (Ўзбекистон) халқ депутатлари қишлоқ Советининг раисидир. Икки дўст навбатдаги ишларни муҳокама этишаётир.

Б. ЮСУПОВ фотоси (ЎзТАГ).

ДИЛ КЎПРИГИ

ТОШКЕНТ ВА ЧИМКЕНТ ОБЛАСТЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ИШЛАБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбек халқининг: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган мақоли бор. Қозоқ халқининг миллий достонларидан бирида ҳам худди шу маънодаги сатрларни ўқиш мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзбеклар ва қозоқлар ери ерига туташ, суви сувига туташ, жондошқондош қўшнилар ҳисобланишади. Улар ўз феъл-атворлари: меҳмондўстликлари, меҳнатсеварликлари, доимо бир-бирларига ёрдам беришга тайёр эканликлари билан жуда яқиндирлар.

Бу амалий ишларда ҳам неча бор тасдиқланган. Яқинда Тошкент областининг делегацияси қўшни Қозоғистонга сафар қилди. Сафардан мақсад амалий алоқаларни кенгайтириш, узоқ муддатга мўлжалланган, ўзаро фойдали ҳамкорлик программасини белгилаб олишдан иборат эди. Бизнинг вакилларимиз «Наврўз» баҳор байрамида қатнашдилар, Чимкент областининг партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари билан ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

— Ҳозир кўпчилик чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузишга интилмоқда, — дейди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов. — Бу керакли, фойдали иш. Лекин афсуски, камдан-кам одамлар ўзларининг энг яқин қўшнилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга интиляптилар. Ахир қўшнилар билан яқин муносабатда бўлиш жуда фойдали. Мен олдиндан нима бўлишини айтмоқчи эмасман, лекин Чимкент областига сафаримиз яқин орада баракали самара беришига ишонаман. Кўплаб учрашувларда тенглик асосида иқтисодий имкониятларимизни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот теппа-тенг бўлинади. Ўзбекистонликлар, масалан, Тошкент области корхоналарида енгил плёнкали теплицалар учун конструкциялар тайёрлаб беришни ўз зиммаларига оладилар, қўшниларни ғишт ишлаб чиқарадиган ускуналар билан таъминлайдилар, қозоғистонликларга қуйма буюмлар ишлаб чиқариш замонавий технологиясини ҳам берадилар. Табиийки, ҳозирги босқичда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ходимларининг, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг кўп тер тўкишларига тўғри келади. Лекин барча сарф-харажатлар тезда қопланиб кетади. Бундай ҳамкорлик натижасида энг қисқа муддатларда икки область шаҳарларини ҳозир танқис бўлган моллар билан, даставвал озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин бўлади.

Лекин халқимиз айтганидек, дўстлик ондек азиз. Қўшни областлар ўртасидаги шартномада маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи соҳаларида сифат жиҳатидан янги муносабатлар ўрнатиш кўзда тутилган. Кувончли ери шундаки, қўшниларимиз якунловчи ҳужжатга умумий мулоҳазалар, чиройли, лекин ҳеч қандай маънони билдирмайдиган ибораларни қўшмадилар.

Чимкент области территориясида кўп ўзбеклар яшайди. Тошкент областида қозоқлар ҳам анчагина. Бу ердаги мактабларда дарслар она тилида олиб борилади. Лекин ўқувчилар ва муаллимлар миллий тилда чиқарилган дарсликлар, методик қўлланмалар ва бошқа адабиётлар етишмаслигидан қийналишмоқда. Ана шу масала юзасидан ҳам келишиб олинди. Эндиликда область Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бошқармалари бу энг муҳим масалани ўз назоратларига олдилар. Қўшниларимизнинг буюртмаси қисқа муддатларда бажарилади.

Спортчилар ва ёшлар делегацияларини ҳам мунтазам равишда бир-биримизга юбориб турадиган бўлдик, болалар ёзги таътил кунларида қўшни областдаги пионер лагерларида дам олишлари мумкин.

Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани муҳокама қилиш чоғида шаҳарлар ва районлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш масалалари ҳам қараб чиқилди. Масалан, Тошкент шаҳрининг Фрунзе райони Чимкент областининг Дзержинский райони билан алоқа ўрнатади. Бу тасодифий эмас. Бу районларнинг территорияларида энг катта тўқимачилик комбинатлари жойлашган. Ҳамкасблар эса воситачиларнинг ёрдамисиз ўзлари тезроқ келишиб олишлари мумкин. Бошқа шаҳарлар ва районларнинг вакиллари ҳам худди шу йўлдан борадилар. Икки область вакилларининг эзгу ниятларидан хабар топган Қозоғистондаги Целиноград, Қизил Ўрда ва Жамбул областларининг, РСФСР Иркутск областининг вакиллари ҳам Чимкентга учрашувга келишди. Зеро бундай алоқалар эндигина йўлга қўйилмоқда ва бунда дўстларимиз тажрибаси яхши асқотади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

ИНСОН ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

«Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунига ва СССРнинг баъзи бошқа актларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Фармонни синчиклаб ўқиб чиқдим. Бунда бир қатор жиноят учун жазо чоралари таҳририга аниқлик киритилган. Фармондаги тўртта асосий қоиданинг ҳаммаси олдинги қонунлардагига нисбатан аниқроқ чиққан.

Маълумки, Қонуннинг ҳар бир ҳарфи инсон тақдирини ҳал этади. Шундай экан, унда ҳеч қандай ноаниқликка йўл қўйиш мумкин эмас. Ишонаманки, СССР Халқ депутатларининг съездида давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги СССР Қонуни янада такомиллаштирилади.

Т. ЖАББОРОВ,
Тўрткўлдаги 307-механизацилашган кўчма колонна прораби.

АХБОРОТ

САМАРҚАНД: («Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости аъзолари хабаридан)

● НУРОТА. Тикувчилик фабрикаси ёнида қад ростлаган бино кичкинтойлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Бу ерда 90 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди. Болалар учун алоҳида бассейн ҳам бор. Боғча фойдаланишга топширилган куни Нурота туғуруқхонаси ҳам қуриб битказилди.

О. ИСТАМОВ.

● ТЕМИР ЙЎЛ район озиқ-овқат маҳсулотлари идорасига қарашли 3-магазинда ишловчилар ҳар ойда 85—90 сўм маош олишарди. Ҳозир уларнинг ойликлари ошди. Фақат қўшимча ҳақ бериш учун магазин фондида қарийб 6 минг сўм тўпланди.

— Магазинни ижарага олганимиздан кейин аҳвол ўзгарди, — дейди бригадир Б. Камолов. — Турли чунончи сув, электр энергияси, транспорт бўйича сарфларда тежамкорликка эътибор қилмоқдамиз. Магазин сотувчилари хизматидан кўпчилик хурсанд. Ҳозир райондаги 4, 5, 18-магазинлар ҳам ижара пудрати асосида ишлай бошлади.

С. ҚОДИРОВА.

● САМАРҚАНД. Шаҳардаги «Кинап» заводининг болалар комбинати қошида соғломлаштириш маркази иш бошлади. Бу ердаги хоналардан бирига спорт ускуналари ва тренажёрлар қўйилган. Кичкинтойлар даволаш физкультураси машғулотларига қизиқмоқдалар. Врач терапевт Берта Калантарова болалар саломатлигини назорат қилиб турибди. Завод ишчилари ғамхўрликдан мамнун.

А. МУРТАЗОЕВ.

Фотоахборот

ҚУЛАЙЛИК

Паркент район матлубот-чилар жамияти 350 минг сўм пул сарфлаб, ўзи учун янги бино қурган эди. Жамоатчилик бу бинони даволаш муассасасига айлантириш лозимлиги хусусида фикр билдирди. У инобатга олинди. Бинога даволаш маскани кўчиб ўтди. Энди болалар поликлиникаларида навбат кутиб қолиш ҳоллари учрамаяпти.

Болалар даволаш-маслаҳат бериш поликлиникасида бир кунда 300 га яқин ўғил ва қиз врачлар қабулида бўлиши мумкин.

Янги поликлиникада барча шароитлар мавжуд. Кабинетларда замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

Суратларда: болалар врачи Ф. Шомирзаева (ўнгда) ва медицина ҳамшираси Д. Нишонова беморни қабул қилмоқда; шифохона биносининг кўриниши.

Г. ПУН фотолари (ЎзТАГ).

• Ёзувчи минбари

Ҳаким НАЗИР

СЕҲРЛИ ОЛАМ

ИНСОНПАРВАРЛИК жамиятимизга хос фазилат. Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки йилларидаёқ ёш авлодга эътибор беришни асосий масалалардан қилиб қўйди. Етим-есирларни боқишпана, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлаб, уларнинг тарбиясини йўлга қўйиш тадбирлари кўрилди. Бу хусусда Ленин кўрсатмаси билан Декрет чиқарилгани, қаровсиз қолган болаларга меҳрибонлик кўрсатиш Ленин сафдоши Феликс Дзержинскийга топширилганини биламиз. «Ҳамма яхши нарса — болаларга» деган шиор инқилоб йиллариданоқ бошлангани бежиз эмас. Илк тарбия ўчоқлари барпо этилиб, бу тажриба йилдан-йилга ўсиб боргани, тарбия ўчоқларидан кўпгина машҳур кишилар етишиб чиққани маълум. Бу ҳаракатга комсомоллар фаол иштирок этишган, болалар уйлари ва интернатларига корхоналар оталиғи ташкил этилган эдики, мен пионер матбуоти журналисти сифатида бу ташаббусларнинг шоҳиди бўлган эдим. Уруш йилларида Шоаҳмад уста сингари ҳазрати инсонлар намунаси шаҳар ва қишлоқларимизга ёйилганди. Бундай саховат эгалари ҳар қанча эҳтиромга сазовор.

Ана шундай ҳиммати баланд онахон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Павловна Хлебушкинани мамлакатимизда танимайдиган одам йўқ. У уруш йилларидан бошлаб Тошкентдаги 22-болалар уйига бошчилик қилди. 45 йил давомида минглаб нафар болани тарбиялаб, ҳаётга йўллади. Улардан 40 нафари меҳрибон оҳаннинг севимли номи — Хлебушкина фамилиясини олган, уни ўзи туққан онасидай эъзозлаб келади.

Бироқ республикамизда болалар тарбияси йўлида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, буларни етарлича деб айтолмаймиз. Турғунлик иллатлари ёш авлод тарбия-таълимига ҳам катта зиён етказди. Партия ва ҳукуматимиз яратиб берган имкониятлардан ҳамма вақт самарали фойдаланилгани йўқ. Кичкинтойлар учун қурилган боғча-яслилар, мактаблар, болалар уйлари, шифохоналар етишмаслиги устига, бир қанчасида моддий шароит нобоп, ғўдаклар ризқига кўз олайтириб уларнинг нонини туя қилиш, тиббий-санитария ёрдамларини вақтида кўрсатмаслик, соф ҳаво, тоза ичимлик сув таҳқисликлари учраб турибди. Болалар соғлом ўсишлари учун сут, қатиқ, мой, тухум ва гўшт маҳсулотлари етарли бўлиши лозим. Бир қатор жойларда эса бунинг тескарисини кўрамиз. Масалан, Нукус шаҳри, Шовот райони, Фарғона область қишлоқлари ва бошқа ерлардаги баъзи мактаб, боғча, интернатларда болаларга ўта жирсиз, ёвғон овқатлар тайёрланиб, уларга ажратилган озиқ нормалари қийиб қолинаётгани текширишларда аниқланган. Ўтган йили болалар врачларининг съезди бўлганда, съезд делегатлари ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида жиддий нуқсонлар борлигини куюниб гапиришди.

Партия ва ҳукуматимиз қайта қуриш сиёсатини қатъий изчиллик билан амалга ошираркан, ҳаётимизда юз берган иллатларни таг-туги билан йўқотиш тадбирларини кўрмоқда, бу янгиланиш, покланиш жараёни болалар дунёсини ҳам қамраб оляпти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва авлоднинг жисмоний ҳам маънавий соғлом, бедард-беранж бўлиб ўсишини таъминлаш учун қўшимча шароитларни вужудга келтирмоқда. Ўртоқ М. С. Горбачев Тошкентда бўлган чоғида шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда болалар муассасалари етишмаётгани, болалар боғчалари масаласини ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлигини алоҳида уқтирди.

Давлатимиз бераётган ёрдамга қўшимча мадад тариқасида мамлакатимизда В. И. Ленин номли болалар фонди ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бу жамоат уюшмаси бурчи болалар уйлари, интернатлар, етимхоналарга моддий ҳам маънавий мадад бериш билангина чекланмайди. Унинг вазифаси болалар тарбиясига алоқадор бўлган барча ташкилотларнинг диққатини бу зарур жабҳага актив тортиш, кичкинтойлар тарбиясига жавобгарлик ҳис-туйғуларини оширишга қаратишдан ҳам иборат. Республикамизда ҳам Болалар фонди бўлими ташкил этилгани ҳаммамизни мамнун этди. Ҳозирданоқ жамоатчилик вакиллари ўз улушларини қўша бошладилар. Бу ҳайрли ишдан мактаб комсомол ва пионер активлари ҳам четда қолмаётганликлари кишини қувонтиради.

Китоб нашриётлари, журнал ҳамда газета редакциялари ва бошқа ташкилотлар айрим интернат, болалар уйларини оталиққа олиб яхши ташаббус кўрсата бошладилар. Жумладан, «Юлдузча» нашриёти Тошкентдаги 21 ва Китоб районидаги 7-болалар уйларини ўз оталиғига олди. Болалар уйлари кутубхоналарига 500 тадан ҳар хил китоблар туҳфа қилди. Шу нашриётда ва «Ёш гвардия» нашриётида тайёрланган бир неча янги китобдан тушадиган маблағлар ҳам Болалар фонди ҳисобига совға қилинадиган бўлди. Бундай ташаббусга ёзувчиларимиз ҳам бош қўшиб, болалар уйлари, интернат, колонияларда тарбияланувчилар билан учрашувлар ўтказиш, улардаги кутубхоналарни бойитиш, ўқувчилар ўртасидаги адабиёт ҳаваскорларига ижодий кўмак бериш ниятидадирлар.

СОВЕТ болалар фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш йўлида яна бир олижаноб ташаббус бошланганидан хурсандмиз — юксак ихтисосли болалар врачларидан иборат махсус отряд тузиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга йўллади. Шулардан 16 нафари Ўзбекистонга келди. Бу ишончли врачлар биздаги соғлиқни сақлаш органлари, болалар фонди бўлимлари, жамоат ташкилотлари билан иш олиб боришади, хотин-қизларга ва болаларга медицина ёрдами кўрсатишнинг илғор усулларини жорий этишга кўмаклашишади.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида Ўрта ва олий мактабда қайта қуриш қандай бораётгани кўздан кечирилди, навбатдаги вазифалар белгиланди. Мактаблар ислоҳоти борасида бирмунча тадбирлар кўрилган бўлса-да, булар КПСС XXVII съезди қўйган талаблардан, қайта қуриш соҳасидаги жўшқин ҳаракатлардан орқада қоляпти. Мактабларда расмиятчилик, буйруқбозлик, юзакичилик, процентбозлик каби салбий ҳоллар ҳамон учраб турибдики, булар таълим-тарбия сифатига салбий таъсир этаётгани аниқ.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида илмий ва санъаткор зиёлилар билан бўлган учрашувда эътироф этилганидек она тилига муҳаббатни тарбиялаш, уни ўқитишни ҳар жиҳатдан яхшилаш зарурлиги равшандир. Биз яна шуни таъкидлаймизки, она тили инсон маънавияти ва ички маданиятининг негизидир. Ўзбек тилини ўрганишни кучайтириш ва яхшилаш мақсадида «Ўзбек тили» комплекс программасини ишлаб чиқилмоқда ва бунда қўштиллилик ва кўптиллиликнинг уйғунлиги аввало она тилини билиб олишни тақозо этиши назарда тутилмоқда. Бу қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, корейс, крим-татар ва бошқа тилларни ўрганишга ҳам тааллуқлидир.

Кенг жамоатчиликни муттасил безовта қилаётган ташвишлардан яна бири — айрим оилалардаги ноаҳиллик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик оқибатида тирик етимларнинг кўпаяётгани, ўсмирлар орасидаги тартиббузарликлардир. Буларни бартараф этишда меҳнат коллективлари, касаба союз, комсомол, маориф ва бошқа ташкилотлар фаоллик кўрсатиш ўрнига, лоқайдлик қилмоқдалар. Айниқса мактаблар билан маҳалла комитетлари, педагоглар билан ота-оналар бир ёқадан бош чиқариб ишлашмасдан туриб, мазкур иллатларнинг олдини олиб бўлмаслиги турган гап. Тошкентдаги Комолон маҳалла аҳолисининг С. Айний номли 84-ўрта мактабда ўтказилган катта учрашуви айни шу долзарб масалага бағишланди. Мактаб директори Мирҳамид Мираҳмедов таълим ва тарбия борасидаги баъзи ютуқлар қатори жиддий камчиликларни ҳам рўст-рост айтди. Мактабда 1700 ўқувчидан икки юзтасининг фанларни ўзлаштириши, хулқи паст. Аксари ота-она фарзандининг аҳволидан хабар олмайди, мактабга қадам босишни ўзига эп кўрмайди. Ҳаттоки ўз жигарбандининг қайси синфда ўқиётганини билмайдиганлари ҳам бор. Маҳалла комитети раиси кекса педагог Собир Холтоев ўз маърузасида директор келтирган мисолларга қўшимча қилиб, айрим хонадонларда оталарнинг маишатга берилиши, ичиб келиши орқасида жанжал-қойишлар бўлиб тургани, бунинг жабрини гўдаклар тортаётганини келтирди. Бу гаплар зални тўлдириб ўтирган ота-оналар, бува-бувиларни ҳаяжонга солди, жиддий мунозара уйғотди. Пировардида, ота-оналарнинг муаллимлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарс тайёрлашларига уйларда тегишли шароит яратиш, ўсмирларнинг юриш-туриши устидан доимий назорат ўрнатиш, маҳаллада спорт майдончаси ташкил этиш каби муҳим таклифларни ўз ичига олган қарор қабул этилди. Энди гап уни изчиллик билан амалга оширишда.

ҚИШЛОҚ районларида ўқувчилар таълим-тарбиясини йўлга солиш аҳолида эътибор талаб этади. Бу мураккаб муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Яқин вақтларгача бу масалага панжа орасидан қаралди, ўқувчилар қишлоқ хўжалик ишларига ортиқча жалб этилди. Кўра-била туриб кўпчилик фарзандларимизнинг чаласавод, касаламанд бўлиб қолишига йўл қўйдик. Ўтган йилдан эътиборан республика раҳбарияти ўқувчиларни пахта терими ва бошқа оғир юмушлардан озод этиш ҳақида қарор қабул этди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни йўқотиш, озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун меҳнатнинг янги усулларини, чунончи оилавий пудрат шаклини ҳам рағбатлантириб борилмоқда. Бу усулларнинг дастлабки самаралари билан бирга, кўнгилсиз томонлари ҳам кўриниб қолаётгани ачинарлидир. Яъни оилавий ижарага олинган ерда деҳқончиликни юриштириш учун болалар кучидан фойдаланувчилар учрамоқда. Кооперативчилик ҳаракатида ҳам ана шундай ножўяликлар содир бўлаётгани ҳақида ўтган йили охирида «Ёш ленинчи» газетаси қаттиқ бонг урди. Унда кооперация ҳақидаги қонунда, унга ўн олти ёшдан бошлаб аъзолар қабул қилиниши кўзда тутилганига қарамай, Тошкентнинг айрим жойларида (шу жумладан Форобий кўчасида) кабобчилик уй кооперативида 13—14 ёшли ўғил-қизлардан кун бўйи «официантлик»да фойдаланиб қонунни бузишаётгани, болаларни осон пул топишга ўргатиб, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига раҳна солишаётгани фактлар асосида очиб ташланган.

Мен «Совет Ўзбекистони» газетасида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматовнинг «Пахтада нима айб» сарлавҳали мақоласини қизиқиб ўқидим. Пахтакор шаҳн-шавкатига ҳар қанақа доғ туширишларга барҳам бериш, пахтачилик соҳасидаги мушкул муаммоларни ақлзаковат, баҳамжиҳат, ошкора ҳал этиш ҳақидаги бамаъни фикрлари эътирофга сазовор.

Келажагимиз тақдири эса билим ва дунёқараши кенг, ахлоқи етук, оталарнинг меҳнат ва жанговар анъаналарига садоқатли ватанпарвар-интернационалистларга боғлиқдир. Бу эса таълим-тарбия ишлари сифатини тубдан кўтариш, қалбларнинг меъморлари бўлмиш муаллимларнинг обрўлари, масъулиятлари ва касб маҳоратларини юксалтиришни тақозо қилади. Токи қизиқарли усуллар билан ёш талабалар истеъдоди рўёбга чиқарилсин, уларда мустақил ижод, фикрлаш ва ташаббускорлик, фаоллик ва эътиқодлик ҳислатлари камол топтирилсин, яхшиликни астойдил қувватлаб, ёмонликка қарши муросасиз курашиш руҳи ўстирилсин, ўғил-қизларимиз диққати табиатни авайлаб асрашга жалб этилсин. Болалар олами сеҳрли оламдир. Бу оламга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ жоиз.

• Қисқа сатрларда

✦ БЎСТОНЛИҚ. Райондаги Испай қишлоғида жойлашган 48-ўрта мактаб коллективи Тожикистонда табиий офатдан зарар кўрган қардошларга хайрия тариқасида 211 сўм пул ўтказди.

М. ХОЛМИРЗАЕВ.

✦ ҚУВА. Райондаги «Ленинизм» колхозининг Тожик қишлоғи аҳолиси ўртасида тўпланган 550 сўм Ҳисор водийсида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этишга хайрия қилинди.

У. ШАРИПОВ.

✦ НУРОТА. Район марказий маданият уйида халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали программаси бўйича кўрик ўтказилди. Чуя қишлоқ Советига қарашли Сойкечар маданият уйи коллективи биринчи ўринни эгаллади.

А. НОРБОЕВ.

✦ ҚАШҚАДАРЁ. Усмон Юсупов районидаги Женов қишлоғи ободонлашиб бормоқда. Бу ердаги кўш қаватли уй-жойлар ва бошқа бинолар қаторига клуб ҳам қўшилади. Қурилиш ишларини 78-механизациялаштирилган кўчма колонна бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

Ф. БАҲРОНОВ.

✦ БУХОРО. Қоракўл районидаги «Правда» колхози ёшлари «Қувноқлар ва зукколар» район биринчилигида муваффақият қозониб, Украина пойтахтига сафар қилдилар.

С. САЛИМОВ.

✦ ХЎЖАОБОД. Андижон шаҳридаги Девонабой, Уйғур, Маҳмудалибой ҳамда Хўжаобод районидаги Қирғизбой массивларининг ҳар бирида тўпланган икки минг сўмдан пул Тинчлик фондига ўтказилди.

М. АБДУҚОДИРОВ.

• Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. Еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Пойтахт спартакчилари учрашувларни мағлубиятсиз давом эттирмоқдалар. Улар навбатдаги ўйинни Киев динамочилари майдонида ўтказиб, (4:1), 12 очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Уч командада эса бир хил — 9 тадан очко тўпланди. Чунончи «Арарат» футболчилари «Локомотив» майдонида имкониятни бой беришгач (0:1), жами очколари ўзгаришсиз қолди. Киев динамочилари ҳам шундай аҳволда. «Днепр» футболчилари эса пойтахт торпедочилари билан дуранг (2:2) ўйнаб, очколарини тўқ-қизта қилиб олишди.

● БИРИНЧИ ЛИГА. Учинчи тур ўйинларидан кейин пешқадамликка даъвогар коллективлар бирмунча сараланди. Ҳозирча пойтахт армиячилари билан «Нистру» коллективи учтадан ғалаба билан олдинда боришмоқда. Етти командада тўрттадан очко тўпланган. Чунончи, Ростов-Дон армиячилари, «Металлург» «Фақел», «Қайрат», «Пахтакор», «Кубань» ва Ставрополь динамочиларининг мавқелари бир хил бўлиб турибди. Пахтакорчилар дастлабки сафар учрашувини «Фақел» майдонида ўтказишди. Уйинда дарвозалар дахлсиз қолди.

СПОРТЛОТО

16 апрель куни ўйналган 16-тиражда қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 11 (волейбол), 25 (чана спорти), 30 (оғир атлетика), 35 (шайбали хоккей), 43 (туризм), 45 (шашка).

«36 дан 5»: 13 (тоғ-чанғи спорти), 23 чангида сакраш ва икки кураш), 25 (чана спорти), 32 (фигурали учиш), 33 (футбол).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

К. Д. УШИНСКИЙ НОМИДАГИ ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ЎҚИТИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: педагогика — педагогика фанлари кандидатлари (2);
катта ўқитувчи: психология — психология фанлари кандидати;
катта ўқитувчилар (2).
Конкурс муддати — 25 апрелгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Саидов кўчаси, 6-уй.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ривожланаётган мамлакатларда экономика проблемалари ва халқ иқтисодий алоқалари бўйича ишлаш учун иқтисодий тадқиқотлар группасининг **кичик илмий ходими** (чет тилларни билган ҳолда)

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 23 апрелгача.
Адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 81-уй, кадрлар бўлими.
Справкалар учун телефон: 62-42-56.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«геофизик майдонлар вариацияси» лабораториясининг **етакчи илмий ходими** («геофизика» ихтисоси бўйича)

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 23 апрелгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 3-уй.
Справкалар учун телефонлар: 41-52-00, 41-49-64.

●

СССР Медицина-биология саноати министрлигининг
ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир (биология ёки медицина фанлари кандидати), **кичик илмий ходимлар** (2), заҳарга қарши зардоб лабораторияси.
Конкурс муддати — 7 майгача.
Бизнинг адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 37-уй.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Анда**, 19/IV да **Чиполлино** (премьера), 20/IV да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Отелло** (19.30), 19/IV да **Қутлуғ қон** (19.30), 20/IV да **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Паранжи сирлари**, 19/IV да **Рожа**, 20/IV да **Концерт**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Драма антёрлари куйлайди** (19.30), 19/IV да **Сўнаётган юлдузлар** (19.30), 20/IV да **Келинлар қўзғолони** (19.30).

УЛОВИДАН

ТУШОВИ ҚИММАТ

Луқма

Олти йилдирки, совхоз касаба союз комитетининг раиси вазифасида ишлаяпман. Аҳолига кино хизмати кўрсатиш хўжаликда касаба союзлари зиммасига юкланган. Бироқ совхозимиз область марказидан 63 километр нарида жойлашган. Область кинолаштириш идораси кинофильмларни касаба союз кино тармоқларига давлат кино тармоқларида намойиш этиб бўлинганидан кейингина беради. Автоклуб 70 километр масофага бориб кино лента олиб келади. Бунинг учун бир кун кетади. Кино ҳақига эса 1—3 сўм атрофида пул тушса тушади, тушмаса йўқ. Хуллас, уловидан тушови қиммат деганидек, бензин, шофернинг иш ҳақи, транспорт амортизацияси учун сарфланган харажатнинг ярми ҳам қопланмайди. Бунинг устига совхознинг биринчи ва тўртинчи бўлимлари ўртасидаги масофа ҳам 20 километр атрофида. Демак жойларга бориб кино кўрсатиш, уни Наманган шаҳридан олиб келишдан ҳам қийин.

Икки йилдан буён совхозлардаги киноқурилмалар давлат кино тармоқларига қўшилиши ҳақида гап бўлади. Лекин негадир у сира амалга ошмаяпти. Кино соҳасидаги қўш хўжайинлиликка барҳам бериш, яъни давлат ва касаба союз тармоқлари кино кўрсатувларини бирлаштириш ҳақидаги масала аллақачон етилган. Ҳамма гап уни амалга оширишда.

Э. ТЕШАБОЕВ,
Задарё районидаги «Украина» совхози касаба союз комитетининг раиси.

«СУРХОНДАРЁ МАЛИКАСИ» КИМ?

Баҳор айёмида Сурхондарё ғўзалини кўришга кўпчилик қизиқарди. Бу борада область комсомол комитети билан маданият бошқармаси мутасаддилари ташаббус кўрсатишди. Маликани излаш борасида тўпланган тажрибалар ўрганилди. Районларда кўрикка муносиб қизлар изланди. Бойсун, Сариосиё, Шўрчи ва Гагарин районларида латофатга бой қизлар кўплиги аён бўлди. Улардан 12 нафари область марказида ғўзаллик кўригидан ўтишлари лозим эди. Ҳакамликка салоҳиятли ҳайъат тайинланди. Қизларнинг кўрик шартларини бажаришлари ўн балл билан баҳоланадиган бўлди. Афсуски, ғолибни аниқлаш осон кечмади. Кўрикнинг биринчи шарти — «Танишув» бўйича қизлар атласкўйлакда, микрофон ёнига келиб, ўзларини таништиришлари лозим эди. Кейин таъзим билан яна сафга турардилар. Бунда ана шу мулозамат ва ҳаракатларни ўрнига қўйган қизлар юқори баҳога лозим топилди. Иккинчи шарт бўйича қизлар «Оқшом либоси»да кўриндилар. Кўрик қатнашчиларининг баъзилари латофат билан «юришлар» қилиб томошабинда кулги уйғотишди. Конкурс шартлари ана шу тариқа бажарилди.

Қизиғи шундаки, қулоқни қоматга келтирувчи музика садолари остида ғўзалликка даъвогарлар намоён бўлардилар. Уларнинг ўйнига тушишлари ҳам ажабтовур эди.

— Бадиий гимнастика ё аэробика десаммикан, билмадим... — дея жавоб қилади республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, область музика билим юрти директори Амин Каримов.

Кўрикни ўтказишдан мақсад нима? Бу саволга область комсомол комитети секретари Равшанбек Хўжаниёзов: «Сақнага ўзбек қизларини чорлаш осонмас. Мақсад қизларимизда бу борада ўзига хос жасорат ва журъат пайдо қилиш», деб жавоб берди. Кўрикнинг тарбиявий аҳамияти эса Жарқўрғонда қурилаётган «Ёшлар либоси» цехи маҳсулотлари билан боғлашга уринишди. Бу, ғарбдан нусха кўчириш эмасми? Тўғри, бундай тадбирларни бошқалардан ўрганиш керак. Лекин маҳаллий аҳоли учун нотабиий кийим-бошлар ёки хатти-ҳаракатларни зўрлаб киритиш шартми? Наҳотки ўзбек қизларининг назокатли, хиромон рақслари конкурс жюриси аъзоларида завқ уйғотмаса? Ғўзаллик ибо, иффат, вафо ва ҳалол меҳнатда эмасми? Дарвоқе, Сурхондарё маликаси ким? Назаримизда воҳанинг меҳнаткаш, дилкаш, зукко ва одобли қизлари бўлиши керак.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриёт ходими Д. Умаровага отаси

Ҳолиқ УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда рус ва жаҳон адабиёти кафедраси коллективи кафедра доценти, филология фанлари кандидати Қ. Аҳмаровга онаси

Ўғилой ШЕРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир **У. УСМОНОВ.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р. — 01165. Б. — 91. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12